

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 11-sentabr №37 (4332)



# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## МАЪНО ОЗ, ДАЪВО КЎП БЎЛМАСИН

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий **“Маҳбуб ул-қулуб”** асарининг **“Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида”** фаслини аҳли шуаронинг бир неча табақага бўлиниши ҳақидаги фикрлари билан бошларкан, илоҳий маърифат вакиллари бўлмиш ҳақиқий шоирларга: **“ишлари маоний хазоиндин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак”**, дея юксак баҳо беради. Шеър ҳақида гапирар экан, **“назм била кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию баҳрамандирлар”**, дейди буюк аждодимиз.

Бошқа тоифадаги, яъни **“Аднолари ҳам барча данидин адно”** (тубанликлари ҳам барча тубандан тубан) шоирлар ҳақида фикр юритар экан, ғазал мулкининг султони бўлмиш бобокалонимиз: **“Баъзидин агар гоҳи бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур... Турфароқ буким, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ...”**, дея жуда ҳам кескин хулосаларини баён этади.

### Кўнгилдаги гаплар

Беш юз йилдан буён кескир қиличдай ярқираб яшаб келаётган бу хулосалар бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Айниқса, кўп ҳолатларда ўқувчи ва тингловчиларнинг ғашига тега бошлаган, сохта ватанпарварлик, қуруқ маддоҳлик ва сўзбозликдан иборат “назмий манзаралар”га дуч келганда Навоий бобомиз нечоғлик ҳақ эканлиги яна бир бор кўнгилдан кечади.

Улуғ аждодларимиз, буюк Ватанимиз билан ҳар қанча фахру ифтихор этсак, ғурурланиб юрсак, арзийди, албатта. Бу ғурур юрак-юракдан жой олиб, руҳни юксалтириб, ҳар бир ақли расо инсонни муттасил улуғ мақсад ва марраларга чорлаб, куч-ғайрат бағишлаб тургани ҳам айни ҳақиқатдир.

Биз қоғоз қоралаб, сўз, қўшиқ ва шеърларимизни кўпчилик ўқувчиларнинг ҳукмига ҳавола қилар эканмиз, аввало, ҳар биримизни шундай саволлар безовта қилиб турмоғи зарур: Ватан янглиғ муқаддас номга, буюк аждодларимиз номига ҳурмат ва эҳтиромимиз тўғри ифода топяптими? Қуруқ сафсатабозлик ва мадҳиябозлик, сохта пафос ва ёлғон изҳорлар билан бу табаррук тушунча ва номларнинг қадрини ерга уриб, уларни беҳурмат қилиб қўймаяпмизми?

Ватан – муқаддас мавзу, у сохталикни, ёлғонни кўтармайди. Ватан – бизнинг сийқа, юзаки ҳамду саноларимизга ҳам муҳтож эмас. Аксинча, бизнинг амалий ишимиз, билим олишимиз, юртнинг муҳташам иморатига бир ғишт қўйишимиз, оғирини енгил қилишимизга, бир сўз билан айтганда, унинг шаъну шарафини кўтариб юксалтиришимизга, яхшиликларни унга бахшида этиб, ёмонликдан, жаҳолат ва разолатдан асрашимизга ҳар доим эҳтиёжманд.

Мушоирада “Ватан учун жоним бериб, ўлмоққа ҳам тайёрман” дея шеър ўқиган ўн беш яшар қизчанинг ҳаяжонию садоқатига шубҳа қилмаган ҳолда, бир устоз шоиримиз: “Ҳой қизим, Ватанга сизларнинг ўлимингиз эмас, яшашларинг, ҳаётларинг керак”, дея жуда ҳам жўяли насиҳат қилган эди.

Улуғ аждодларимиз ҳам бизнинг ёлғон ва қуруқ мақтовларимизга муҳтож эмас. Ҳақиқий муҳтожлар бизлармиз. Яъни ўша боболар қолдирган бебаҳо адабий ва илмий меросни астойдил ўқиб-ўрганиш, уларга муносиб авлодлар бўлиб, ўзимизни камолга етказмоғимиз, бу мўътабар ва беқиёс хазинани келгуси авлодларга ҳам бедахл ва безиён топширмоқ ҳақиқий фарзандлик бурчимизга айланмоғи керак.

Таҳририятимизнинг “Танқид ва адабиётшунослик бўлими” томонидан худди шу мавзуда тайёрланган “Мавзу ва талқин ёхуд сўзбозлик санъат эмас” номли мақола муҳтарам газетхонларимизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**Таҳририят**

→ 4



**Тириклик гашти.** С.МАМБЕТОВ олган сурат.

**Ҳар гал Сирдарёга йўлим тушганда ардоқли шоиримиз Тўра Сулаймоннинг “Гул бир ён, чаман бир ён” деган машҳур сатрлари қулоғим остида қайта-қайта жаранглагандек бўлаверади. Қўшиққа айланиб кетган ўша шеър айнан бу гўзал воҳанинг мафтункорлигини тараннум этгандек туюлади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, вилоят ҳудудига кириб келар экансиз, ўзингизни чаман ичидан бир гул топгандек ҳис этасиз.**

## ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН

Мустақиллик байрами арафасида Сирдарё вилоятига қилган ташрифимиз унутилмас учрашувларга, дийдор лаҳзаларига уланиб кетди. Илк учрашув Сирдарё туманида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бунёд этилган “PENG SHENG” қўшма корхонасида ўтказилди.

— Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қолаверса, қишлоқда саноатни барпо этиш мақсадида хитойлик ҳамкорлар билан ушбу корхонанинг бунёд этилганлиги айни муддаодир, — дейди корхона бош директорининг ўринбосари Ғафур Аҳмедов. — Корхонамизда бир ярим мингга яқин ишчи меҳнат қилади. Янги, замонавий технология ускуналари ўрнатилиши, сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланиши натижасида бир неча хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўляпмиз. Ўзингиз кўриб турганингиздек, маҳсулотларимиз хорижникидан асло қолишмайди.

Дарҳақиқат, корхона цехларини айланар эканмиз, ўзимизда ҳам замонавий мобил телефонлари ишлаб чиқарса бўларкан-ку, деган хаёлга бордик. Чиндан ҳам ишлаб чиқарилаётган телефонлар ўзига хослиги, сифатлилиги билан киши диққатини тортади. Яна бир цехда эса аёллар пойафзалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Эътиборли жиҳати шундаки, олиб келинаётган мол терилари бевосита шу ернинг ўзида қайта ишланади, табиий қуёш нурида қуритилиб, уларга ўзига хос жило берилади. Шу тариқа пойафзал қолипига мос маҳсулотлар юзага келади.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ҚАДИМ ЮРТНИНГ ПАРВОЗИ

**Она Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Нукусга ижодий сафарга бордик.**

### Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Тошкент халқаро аэропортида узунлиги 37,6 метр, қанотининг кенглиги 34,1 метр 25 қаторли ўриндиқларда жами 150 нафар йўловчини олиб учадиган А 320 русумли ҳаво кемасида осмонга парвоз қилдик. Соатига 850 километр тезликда, 8 минг 600 метр баландликда учаётган ҳаво кемасининг икки ёнига бор бўйи билан Ўзбекистон Республикаси байроғининг тасвири туширилган. Бу мустақил Ўзбекистоннинг парвози. Бу Ватанимиз тараққиётининг парвози. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясининг бундай улкан самолётлари она юртимиз тимсоли бўлиб, сайёрамиз бўйлаб қанчадан-қанча мамлакатларга эмин-эркин парвоз қилаётир.

Парвозингдан айланай, мустақил Ўзбекистон!

Сув йўли бор.
Шамол йўли бор.
Қуш йўли бор.
Одам йўли бор.
Карвон йўли бор.
Мамлакатлар йўли бор.
Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли бор.

Президентимиз томонидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси, ривожланиш йўли бор.

Она Ватанимиз — Ўзбекистон мустақилликка эришганига йигирма тўрт йил бўлди. Инсониятнинг кўҳна тарихига солиштирганда йигирма тўрт йил нисбатан қисқа давр ҳисобланади. Бироқ мана шу қисқа давр ичида халқимиз ҳақиқатан буюк йўлни босиб ўтди. Юртбошимиз раҳнамолигида эл-юртимиз қанча-қанча довонлардан, қанча-қанча тўфонлардан, тарих ва тақдир синовларидан омон ўтди. Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг “Президент” сарлавҳали шеъри ёдга тушади:

**Таҳликали ушбу қалтис дунёда**
**Довондан йўл солиб ўтиб келяпсиз.**
**Эл карвонин кечуви йўқ дарёдан**
**Эсон-омон олиб ўтиб келяпсиз.**

**Қамашади не элларнинг қароғи,**
**Бизга боқиб янги аср бошида.**
**Сиз кўтарган мустақиллик байроғи**
**Ҳилпирайди БМТнинг қошида.**

Давоми иккинчи саҳифада.

## БИЛДИРИШ

2015 йил 15 сентябр — сешанба куни соат 11:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **“Бадиий публицистика: бугун ва эртага”** мавзусида давра суҳбати бўлади. Унда Бадиий публицистика ижодий кенгашининг аъзолари, таниқли шоир ва адиблар, ёш ижодкорлар иштирок этади.

* * *

2015 йил 18 сентябр — жума куни соат 11:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида болалар шоирлари, ёзувчилар ва ёш ижодкорлар иштирокида **“Болалар адабиёти: бугун ва эртага”** мавзусида давра суҳбати бўлади.

Ёзувчилар, шоирлар, журналистлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

## “МАЪНАВИЙ ҲАЁТ”

**2015 йил 1,2-сонлар**

### Журналларни варақлаганда

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг ўтган йилдан бошлаб чоп этилаётган тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп “Маънавий ҳаёт” журналининг шу йилги биринчи ва иккинчи сонларини мутолаа қилган ўқувчи ушбу нашр янги замондаги халқимиз маънавий ҳаёти кўзгусига айланиб бораётганига эътибор қаратиши табиий. Журналнинг 1-сони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи билан очилади. Юртбошимиз мазкур нутқида “Биз XXI асрда — интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”, деб таъкидлайди.




Олимжон Давлатовнинг “Султони Соҳибқирон Темур Кўрагон...” мақоласи буюк бобомиз шахсини идрок этиш ва шу орқали тарихимизни идрок этиш, ўзлигимизни англаш масалаларига бағишланган бўлиб, Амир Темурнинг ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлар қисматидан хулоса чиқариб, уларнинг ижобий томонларини татбиқ этган ҳолда адолат ва ҳақиқатни ўзига шиор этганлигига эътибор қаратилади.

Адабиётшунос Наим Каримов “Оила гурунглари” рукнидаги “Саодатнинг камалак ранглари” мақоласида устоз Ойбекнинг турмуш ўртоғи, атоқли кимёгар олима Зарифа Саидносирова ҳаёти саҳифалари ҳақида сўз юритади. Фарзандлик саодати, интилиш ва илм олиш саодати, севиш ва севилиш саодати, ижоднинг саодатли онлари, матонатли бўлиш саодати, ёшларга илм бериш саодати, суянч тоғ ва вафодор бўлиш саодати каби лавҳаларда истиқлол йиллари онг ва шуури шаклланган бугунги ёшларимиз учун ҳам ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган бетимсол ўзбек аёлининг тўлақонли портрети билан танишар экансиз, маънавияти бутун халқимизнинг ўлмас сиймоларига таъзим бажо этгингиз келади.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бир аср муқаддам “Ойина” журналида босилган “Бизни кемирувчи иллатлар” мақоласи билан яна бир бор танишганда эса, юз йил аввалги турмуш тарзи билан бугунги турмушимиз орасида ер билан осмонча фарқ бўлса-да, тўйлар ва маъракалар устидаги тутумлар борасида маърифатпарвар бобомизни ташвишга солган муаммолар ҳақида бугун ҳам мушоҳада юритиш фойдадан холи эмаслигини ўйлайсиз.

“Одамларни одам қиладиган, жамиятни жамият қиладиган қудрат — виждон, инсоф, диёнат, адолат ва ҳақиқатнинг барқарорлигидир”. Журнал мухлислари “Қўлёзмалар ёнмайди” рукнида таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов қўлёзмалари қатидаги шу сингари оҳорли, ҳур фикрлар билан танишадилар.




“Маънавий ҳаёт”нинг иккинчи сони мундарижаси ҳам қизиқарли ранг-баранг мақолаларга бой. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг “Болалик ғаройиботлари ва кексалик ҳикматлари”, Ҳалим Саидовнинг “Маънавиятни асраш инсонийликни асрашдир”, Мўминжон Хўжаевнинг ”Асрларни ошиб ўтган тафаккур соҳиби”, Фаррух Жабборовнинг ”Девону луғотит турк”ка саёҳат”, ”Қўлёзмалар ёнмайди” рукнидаги ”Халқ қалбининг билимдони”, Шомирза Турдимовнинг ”Бир эртак қатидаги минг тилсим” сингари мақолалари ҳам журналхонларни мушоҳадага чорлаб, маънавий тафаккуримизни бойитишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

# ҚАДИМ ЮРТНИНГ ПАРВОЗИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ҳа, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли бор.

Самолёт ойнасидан ҳаяжонланиб пастга қарайман. Чўл. Сон-саноқсиз излар. Гўё отлар уюри чопиб ўтгандек, туялар карвони лўккиллаб йўл босгандек туёқларнинг чуқур-чуқур ботган излари бўлиб кўринади қумда эсган шамолларнинг излари, кўкдан ёққан ёмғирларнинг излари.

Ана, саҳронинг қоқ ўртасини кесиб ўтган асфальт йўл.

Ана, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳрога тараққиётнинг юрак уриши товушларини олиб келган темир йўл. Бу йўллар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўллари.

Ҳар замонда геологларнинг қўналғалари, чўпонларнинг қўралари кўринади. Оппоқ-оппоқ уйлар қумга тушиб қолган дурдек, нуқра мунчоқ доналаридек. Чўлнинг бўйнига тақилган бу мунчоқлар теварагидан қанчадан-қанча бойлик, хазина топилмоқда. "Конларга кон, газ берган ҳам тилла берган ерларим, Оҳҳуввахай, Ватаним-эй!" деб хиргойи қиламан ичимда.

Нукусга учяпмизу қорақалпоқ ёзувчиси Шарап Уснатдиновнинг телефонда айтган гапларини эслайман:

— Қўнғирот сода заводининг иккинчи босқич қурилиши тугалланмоқда. Заводда калийланган сода ишлаб чиқариш қувватини ҳозирги 100 минг тоннадан 200 минг тоннага етказиш лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 109, 4 миллион долларни ташкил этади. Заводнинг ўн бешта ёрдамчи ва инфратузилма объектлари қурилиши тугатилиб, ишга туша бошлади. Буларнинг барчаси 276 та иш ўринлари яратади. Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини Корея компаниялари қурмоқда. Ҳозир лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошиб кетди. Корхона ишга тушгач, йилига 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропелин ишлаб чиқаради. Мажмуа жамоаси белгиланган муддатидан олдин, шу йилнинг ўзида дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқариш ниятида.

Дунёнинг илғор нефт-газ концернлари "Лукойл" (Россия), CNPC (Хитой), PVEP (Вьетнам), шунингдек, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси Устюртда геология қидирув ишларини олиб бормоқда.

Нукус шаҳридаги ўзгаришларни айтмайсизми.

Бу Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли.

Самолёт ойнасидан пастга қарайман. Бирданига чўл қоплон терисидай тус олади. Хол-хол қора доғлар бойчибор отнинг сағринидек бўлиб кўринади. Қуёш нури тушган жойлар оқ-сариқ, кичик дўнгликларнинг қуёш нури тушмаган жойлари, соялар қора-қора хол тусида. Чап томонда Амударё гўё уфқдан ёйилиб келаётганга ўхшайди. Чўл қўйнидаги ям-яшил водийга кириб бордик. Амударёнинг икки ўзанга бўлинган жойлари, тўқайлар, экинзорлар кўзни қувонтиради.

Қорақалпоқ давлат университети кутубхонасининг ўқув залида ижодий учрашув ўтказдик. Университетнинг асосий ўқув биноси ва талабалар турар жойлари капитал таъмирланаётган экан.

— Бизнинг университет ҳам Термиз университетидай кўркам ва муҳташам бўлади, — дейди Қорақалпоғистон халқ шоири Кенесбой Каримов. — Қурувчилар астойдил меҳнат қилишмоқда.

"Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими Кенгаши раиси Шарап Уснатдинов бизни шаҳар бўйлаб сайр эттирди ва шаҳардаги бунёдкорлик ишлари билан таништирди.

— Илгари сиртдан қўноқ келса, кўрсатадиган жойларимиз камлигидан кўп вақтимизни дастурхон атрофида ўтказардик. Эндичи, ўз уйимизга ҳам кирмай, кўчалар оралаб юргимиз келади, — дейди Шарап оға.

Саёҳатимизни Қизкетган каналидаги "Дўстлик" кўприги теварагидан бошладик.

— Нукус шаҳрини реконструкциялаш ва ободонлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар режасида 2014 — 2016 йилларда ушбу ишларга 626 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиши, шаҳардаги эски, замонавий меъморчилик талабларига жавоб бермайдиган 994 (!) уй ва 1253 та турли нотураржойлар бузилиб, биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган, ҳар бири тўрт қаватли, замонавий қиёфага эга, сўнгги технология бўйича ички ва ташқи коммуникацияга уланган 54 та турар жой бунёд этиш белгиланган эди, — дейди Шарап оға йўл-йўлакай шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий театри биноси ниҳоятда ҳашаматли ва гўзал кошонага айланган. Қимматбаҳо мармар кошинлари ойнадек ялтирайди. Театр биноси миллий ва замонавий меъморий услубларда таъмирланган. Бу кўркам кошонани томоша қилиш, зиналарида, кенг ва баланд айвонлари ва залларида юриш кўнгилга завқ бағишлайди. Театрнинг рўпарасида, катта йўлнинг нариги томонида янгидан таъмирланган ўн қаватли — "Тошкент" меҳмонхонаси. Унинг ёнидаги гўзал ва мафтункор иморат "Ёшлар саройи"га айланган. Иморатларнинг ҳовлисида чаманзор боғлар барпо этилган, Белгиядан келтирилган ноёб дарахтларнинг кўчатлари ўтказилган. Кўчанинг ҳар икки ёнидаги кенг ва файзли майдонларда тўртта рангли мусиқий фаввора отилиб турибди. Қуёш ботганида бу майдонлар дам олувчилар билан гавжум бўлади. Қорақалпоқ миллий ашулалари, бахшиларнинг термалари, дўмбира ва қўбиз садолари янграйди.

Каналнинг икки соҳили текисланиб, бетон ётқизилган. Нишаб қирғоққа миллий нақшли панжаралар ўрнатилган. Бу нақшлар қўчқор шохи услубида бир ярим метрга бир ярим метр ҳажмда темирдан ишланган бадиий композициялардан иборат. Икки ёнга баланд устунларда оппоқ чироқлар ўрнатилган. Бу чироқлар кечаси икки қатор бўлиб ёнганида канал саҳни худди самолётларнинг учиш йўлагига ўхшаб кўринади. Каналнинг 2,5 километр узунликдаги ҳар икки ёқаси ободонлаштирилган. Каналда сайр қилувчилар учун тўртта катер хизмат кўрсатади. Уларга чиқиладиган бандаргоҳ қурилган. Маданий дам олиш боғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган кичик корхоналар, «Болалар дунёси» савдо мажмуаси, от ўйинлари, болалар спорти иморатлари, баскетбол, футбол, теннис майдончалари каби ўттиздан зиёд объект қурилибди. Бу ободонлаштириш ишлари учун 106,5 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Нукуснинг марказий майдонидан бошланиб, янги ва эски шаҳар ўртасидан ўтадиган кўча янада кенгайтирилган. Унинг икки томонидаги муҳташам иморатлар бўйнини ғоз тутган баҳайбат оққушларга ўхшайди. Ушбу шоҳкўчанинг номи — «Қорақалпоғистон». Икки ёнда кўкка бўй чўзиб турган иморатларнинг биринчи қавати сиртига қизил гранит қопланган, юқори қаватлари оппоқ мармар кошинлар билан ўралган. Деворлар нақшинкор, деразалар чиройли, замонавий. Биноларнинг кошлари чиқарилиб, пештоқлар миллий нақшлар билан безалган.

— Машинани бур, — дейди Шарап оға ҳайдовчисига, — Тўлепберген Қайипбердиев кўчасидаги янги уйларни кўрамиз.

Эски шаҳардаги ун комбинати ўрнида қурилган 58 квартирали «Камолот» уйлари, И.В.Савицкий номидаги санъат музейининг янги, ажойиб меъморий кўринишдаги иккала биноси ва унга уйғунлашган ён-атрофни, айниқса, Тўлепберген Қайипберганов кўчасига бир зумда кўрк бағишлаб, бутунлай ўзгартириб юборган кўп қаватли гўзал уйларни кўриб, бундай улуғвор ўзгаришлардан ҳайратга тушамиз.

— Сизга яна бир мўъжизани кўрсатаман, — дея оға бизни шаҳарда янги барпо этилган "Болалар боғи"га бошлайди.

Боғ дарвозасидан кирибоқ болалар дунёсининг сеҳрли оламига ошно бўласиз. Чиройли йўлак. Йўлакнинг икки томонида дунёдаги энг ноёб манзарали дарахтлар, анвойи гуллар кўзингизни яшнатади. Бир томонда қўғирчоқ театри томошалари қўйиладиган амфитеатр, бир ёнда Ўзбекистонимизнинг ўн икки вилояти ва Тошкент шаҳридаги ҳар бири Ўрта Осиё меъморий обидалари гавҳари ҳисобланган ўн уч тарихий ёдгорликнинг аслидан ўн марта кичрайтирилган макетлари, ўртада тиниқ сувли кўл, кўл соҳилида сувда сайр этиш учун қайиқлар, нариги соҳилда турли машиналар ғизиллаб учадиган "Автодром", чархпалак, карусел ўйинлари, музқаймоқхоналар. Хуллас, болалар кўнгил очиши, томоша қилиб завқланиши, спорт билан шуғулланиши учун ҳамма нарса муҳайё. Болалар боғи ҳудудида яна иккита янги ва чиройли маскан — бадиий гимнастика бўйича ихтисослаштирилган 4-гимнастика мактаби ва "Болалар кутубхонаси" ҳам жойлашган. Спорт мактабида 420 нафар эл фарзандлари бадиий гимнастика билан шуғулланишар экан. Болалар кутубхонаси эса шу йилнинг 2 апрелида очилган. Кутубхонага шу кунгача 2515 нафар бола аъзо бўлган. Турли бадиий ва илмий китоблар, йигирмадан ортиқ компютер ўқувчилар хизматида. Кутубхонада Японияда университет таълимини олган Ицуми Табира исмли япон қизини учратдик. У қорақалпоқ болаларига япон тилини ўргатиш ва айни пайтда ўзи ҳам ўзбек ва қорақалпоқ тилларини ўрганиш учун Нукусда яшаётган экан.

— Япониянинг Кумомото шаҳрида 1991 йилда туғилганман, — дейди у соф ўзбек тилида. — Менга Ўзбекистон жуда ёқади. Қорақалпоғистонда халқ тили ва маданиятини ўрганиш эзгу мақсадимдир.

Кутубхонада Япониянинг Норица шаҳри билан ҳамкорликда болалар расмлари бўйича танлов ўтказилади. Танлов ғолибларининг асарлари Японияга жўнатилади ва мукофот билан тақдирланади.

Шаҳарда сайр этиб юриб бир оқсоқолни учратиб қолдик. У кишини "Қорақалпоғистон халқ муаллими" Қалилов Аяпберган, деб таништиришди.

— Ёшим 75 да. Невараларимизнинг янги қурилган Боғи Эрамдек бўстонларда яйраб ўйнаганини кўриб, ич-ичимдан қувонаман. Мустақилликка эришганимиз сабаб, бахтимизга Ўзбекистон тез ривожланиш йўлига тушиб, шу кунларга етдик.

Шарап оға Нукус шаҳрини айлантирар экан шодликдан гул-гул яшнаб сўзлайди:

— Мана бу иморат бир ой олдин йўқ эди. Уч йил ичида шунча ўзгариш бўлди. Ўн йилдан кейин шаҳар қандай бўлиб кетар экана?!

Йўл-йўлакай пири бадавлат нуронийлар билан суҳбатлашамиз.

— Мен қирқ йил мобайнида қурувчилик қилдим. Нукус шаҳридаги кичик қурилишларга раҳбарлик қилдим, — дейди Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Эсен Реймов. — Биз 48 хонадонли 4 қаватли бир уйни икки йил мобайнида қурган эдик. Бугун шундай уйлар кенг кўчалар бўйини тўлдириб тезлик билан қад ростлаётганини кўриб ҳайратланмоқдаман. Буларнинг ҳаммасига кредит топиб берган банкларга, давлатимизнинг қудратига тасанно айтмай иложимиз йўқ. Ҳа, қудратли давлатгина шундай ҳашаматли иморатларни, улкан иншоотларни қуришга қодир.

Ниҳоят, сафаримиз якун топиб, Амударё соҳилидаги гўзал шаҳар билан хайрлашамиз. Самолёт ойнасидан дарё янада чиройли кўринади. Амударё ер юзидаги энг баланд тоғлардан бутун юртимиз бўйлаб йўл босади. Жаҳондаги энг буюк дарёлардан бўлган она дарёмиз икки ярим минг километр масофани босиб ўтаркан. Унинг Ватанимиздан оқиб ўтадиган ўзани боши Сурхондарё, адоғи Қорақалпоғистон. Амударё сувларида қориб пишитилган ғиштлардан Термизда ҳам, Нукусда ҳам муҳташам иморатлар кўкка бўй чўзмоқда. Бу улуғ дарё жуда катта тараққиётга асос солган. Юртимиз бугун ҳам катта тараққиёт йўлида. Барча вилоятларда катта қурилиш олиб борилмоқда, замонавий ва гўзал иншоотлар бунёд бўлмоқда, шаҳарларнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Бетакрор ва ягона она Ватанимиз Ҳумо қушининг қаноти остида келажакка қараб парвоз қилмоқда.

**Рустам МУСУРМОН**

# ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Албатта, чекка бир қишлоқда ана шундай замонавий саноат корхонаси бунёд этилгани шу ерлик аҳолининг иш билан таъминланишига омил бўлди. Бу ерда ишлаётган ёшлар билан учрашувимиз, айниқса, қизғин бўлди. Истиқлолимизни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар авжига чиқди. Бир ёнда Хитойдан келган мутахассислар, бир ёнда сирдарёлик маҳаллий ёшлар қўлни-қўлга бериб рақс тушишди. Айниқса, хитойлик йигитнинг ўзбекча "Лазги"га хиром этиши кўпчиликни тўлқинлантириб юборди.

— Касб-ҳунар коллежини битириб шу даргоҳда меҳнат қиляпман, — дейди биз билан суҳбатда Ҳалима Низаева. – Айнан ўзим севган касб бўйича ишга жойлашганим яхши бўлди. Имкон қадар берилган топшириқ ва буюртмаларни сифатли, аҳолибоп қилиб тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Бугунги учрашув, таниқли санъаткорлар ва шоирлар билан дийдорлашув кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат бағишлайди.

Сафаримизнинг иккинчи куни вилоятнинг Сайхунобод туманида кечди. Айтиш жоизки, чекка қишлоқларда одамлар бундай учрашувларни сабрсизлик билан кутишади. Шу боис, ҳар бир учрашув ҳаяжонларга бой бўлди. Дастлаб, тумандаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биносига меҳнаткашлар вакиллари, маҳалла фаоллари жамулжам бўлишди.

Ўзбекистон халқ артисти Ражаб Адашев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Бердиқулова ва актёр Ўткир Менглиевларнинг чиқишларидан тўпланганлар бир олам завқу шавқ олган бўлса, эстрада хонандаларининг дилтортар қўшиқлари барчани даврага чорлади. Таниқли шоира Зулфия Мўминованинг Ватан, она мавзусида ўқиган шеърлари эса юракларга муҳрланди. Шу куни сирдарёлик ёш қаламкашлар ҳам ўзларининг ижод намуналаридан барчани баҳраманд этди.

Тумандаги "Янги ҳаёт" маҳалласи аҳли ҳам ижодий гуруҳимиз аъзоларини шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Тўғриси, одамлар руҳиятидаги ўзгаришларни, нигоҳлардаги интиқлик ва самимиятни кўриб беҳад севиндик. Шунинг учун бўлса керак, учрашувдаги савол-жавоблар, мулоқотлар жонли, баҳс-мунозарага бой бўлди. Шу куни маҳалла маркази ўзига хос байрам тусини олди.

Сайхунободликлар боғдорчиликнинг ҳам ҳадисини олишган. Мавлон Шамшиев етакчилигидаги боғбонлар бундан тўрт йил муқаддам ташландиқ ерларни ўзлаштириб ўзига хос боғ яратишибди. 50 гектар ер майдонига 8 минг тупдан зиёд олма, олхўри, ўрик кўчатлари экилган. 20 гектар майдонда эса янги боғ яратилибди. Айни дамларда "Беш юлдуз" навли олма дарахтлари ҳосилга кирган. Боғни айланар эканмиз, қип-қизил бўлиб пишиб етилган нақш олмалар кўзимизни қамаштирди.

Вилоятнинг Оқ олтин тумани тажрибали деҳқонлар маскани. Туман меҳнаткашлари жорий йилда ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Баракали ғалла ҳосилини йиғиштириб олиб, шартномавий режани муваффақиятли уддалашди. Айни чоғда эса туман пахтазорларида ҳосил йиғим-терими бошлаб юборилган. Чўғдай ёниб турган далаларга деҳқоннинг меҳри ўзгача. Оқ олтинликлар бу йил 44982 тонна пахта топшириб ҳосилдорликни 30 центнерга етказишни ният қилишган.

— Туманимизнинг иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришда ёшларнинг фаоллиги қўл келмоқда, — дейди Сардоба шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Гуландом Ёдгорова. — Ёшларнинг мустаҳкам билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бу борада мактаб-оила-таълим муассасаси ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугунги маънавий-маърифий учрашув ҳам ёшларимиз учун жуда фойдали бўлди.

Ҳозирда Гулистон шаҳрида ва умуман вилоятнинг барча ҳудудларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари авж олган. Гўё Мирзачўл бағрида тилсимларга тўла олтин сандиқ очилгану дуру гавҳарлар бутун ҳудудга сочилиб кетгандек. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар, кенг ва равон кўчалар, спорт-соғломлаштириш муассасалари вилоят кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлнинг олис тарихи ортда қолди. Эндиликда жаннатмонанд масканга айланиб бораётган Сирдарё воҳасининг мард, танти инсонлари эртанги кунимизга катта ишонч билан қарамоқдалар. Мустақиллигимизга, саодатли кунларга шукроналар айтишмоқда. Биз буни суҳбат ва учрашувлар чоғида янада теранроқ ҳис этдик.

**Ашурали БОЙМУРОД**

# ИЖОДКОР БАХТИ

## Дил изҳори



Мустақиллигимизнинг 24 йиллик тантаналарига тайёргарлик кўриш ва кутиб олиш жараёнида мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, тарихан қисқа давр ичида амалга оширилган ислоҳотларни яқин ўтмиш билан солиштириб, Истиқлол моҳиятини ҳаётий мисоллар орқали ёш авлодга тушунтириш мақсадида ёзувчи-шоирлар иштирокида чекка овулларда юртдошларимиз билан ижодий учрашувлар, самимий давра суҳбатлари ўтказдик. Қўнғирот туманида "Биринчи китобим" рукнида "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилган илк тўпламлар муаллифлари — ёш ижодкорларнинг Устюрт этакларида яшаётган меҳнаткашлар билан учрашуви пайтида "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланганим ҳақидаги қувончли хабарни эшитиб беҳад хурсанд бўлдим.

Муҳтарам Юртбошимиз адабиёт аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатларини ҳамиша юқори баҳолаб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Президентимиз қарорига биноан тузилган "Ижод" жамоат фондининг қўллаб-қувватлаши туфайли бу йил Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бўлган бир гуруҳ кекса адиблар "Дўрмон" ижод уйида дам олиб, сиҳат-саломатликларини мустаҳкамлади.

Менга берилган бу мукофот адабиётимиз, ижод аҳли учун кўрсатилган сийлов давлатимиз томонидан ижодкор зиёлиларга қаратилган юксак эътибордан бир тимсол. Бундай рағбат бизга улкан куч-қувват, руҳ бағишлайди. Меҳнатининг қадр топгани эса ижодкорнинг чинакам бахти.

**Кенесбой КАРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби**

# АДАБИЙ ТАНҚИД: БУГУН ВА ЭРТАГА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Адабий танқид: бугун ва эртага" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар ва ёш ижодкорлар иштирок этди.

Давра суҳбатини Танқид ва адабиётшунослик кенгаши раиси Сувон Мели олиб борди. Тадбирда ҳозирги замон суръати, юртимиздаги янгиланиш ва ўзгаришлар, дунёда юз бераётган воқеалар адабиётнинг, шу жумладан, адабий танқиднинг олдига ҳам долзарб вазифаларни қўяётгани ҳақида гапирилди. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" асарларида бугунги даврда адабиётнинг, ижод аҳлининг жамият ҳаётидаги ўрни ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, Истиқлолнинг 24 йиллиги муносабати билан юртимиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтган мустақиллик дарслари ва маънавият сабоқларида ёзувчи-шоирларимиз, адабиётшунос олимларимиз фаол иштирок этиб, мустақиллик даври адабиётининг моҳиятини яратилаётган бадиий асарлар талқини, ҳаётий воқеалар мисолида тушунтириб беришди. Аслида ҳам танқид адабиётнинг ўзига хос кўзгуси сифатида ижодий жараёнда кечаётган ўсиш-ўзгаришлардан китобхонларни изчил хабардор қилиб, ютуқ ва камчиликларни холис кўрсатиб беради. Бироқ кейинги пайтларда танқиднинг ҳозиржавоблиги бироз сусайгани, адабий жараёндаги ўзгаришларга, бадиий асарлар савиясига принципиал муносабатини ҳар доим ҳам қатъий тарзда билдирмаётгани, танқидчилар замон руҳи акс этган теран бадиий-эстетик асарларни таҳлил ва тарғиб этиш ўрнига шунчаки тақризчилик билан андармон бўлиб қолаётгани давра суҳбатида таъкидланди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбирда адабиётшунос олимлар, ижодкорлардан Бахтиёр Назаров, Умарали Норматов, Нусратулло Жумахўжа, Баҳодир Каримов, Шарифа Салимова ва бошқалар сўзга чиқиб, мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ адабиётшунос олимлар давлатимизнинг юксак мукофоти — унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланганини мамнуният билан қайд этишди. Шунингдек, танқидни тўғри англаш, қабул қилиш ва холислик, вақтли матбуотда адабий-танқидий мақолалар нашри, ёш адабий танқидчиларни тарбиялаб вояга етказиш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ахборот хизмати**

## Ёзувчилар уюшмасида

# РОМАН МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашининг навбатдаги йиғилишида ёзувчи Музаффар Мирзонинг "Шамс ва шамшир" номли тарихий романи муҳокама этилди. Романда буюк ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг Самарқандда кечган йиллари, XV аср Моварооуннаҳр ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, асарда Абдураҳмон Жомий, Фазлуллоҳ Абулайсий, Шайх Турбатий, Абдураззоқ Самарқандий сингари тарихий сиймолар образлари ҳам бор.

Муҳокамада сўзга чиққан Наср кенгаши аъзолари муаллифнинг масъулиятли ишга қўл ургани, тарихий даврга оид кўплаб материалларни ўрганиб чиққанини қайд этишди. Шунингдек, романнинг ютуқлари билан бирга бартараф этилиши зарур бўлган камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтишди. Муҳокама якунида асар қайта ишланиб, ҳар жиҳатдан қиёмига етгач, нашрга тавсия этилиши лозим, деган хулосага келинди.

# "ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ", 2015 йил, 3-сон



Журналнинг навбатдаги сони "Энг улуғ, энг азиз айём шукуҳи" сарлавҳали бош мақола билан очилади. Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан берилган мақолаларда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, жамиятни демократик ўзгартириш ва либераллаштиришда уларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитлари, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари яратилганига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мирбобоев, Адлия вазирлиги Бошқарма бошлиғи А.Очилов, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Б.Мусаев, тарих фанлари номзоди Н.Жўраева ва бошқа муаллифларнинг "Инсон ва қонун" рукнидаги мақолалари парламент назорати, ҳуқуқий маданият, хотин-қизлар ҳуқуқи ва манфаатлари, болалар ҳуқуқлари кафолатларига бағишланган.

"Халқаро ҳуқуқ", "Ижтимоий ҳимоя — амалда", "Хориж тажрибаси", "Тарих саҳифаларида", "Анжуманлар, тадбирлар, тақдимотлар" сингари рукнлар остида ҳам журнал ўқувчилари халқаро шартномалар, БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари, халқаро ҳуқуқий нормалар таҳлили, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя, ижтимоий шериклик муносабатлари, меҳнат муҳофазаси ва жамоатчилик назорати, одам савдосига қарши кураш, ногиронлар ҳуқуқлари мониторинги, сифатли таълим — болалар меҳнатига қарши кураш воситаси мавзуларида қизиқарли мақола ва ахборотлар билан танишадилар.

# УЛУҒ ОҚИННИ ШАРАФЛАБ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида улуғ қозоқ оқини, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай (1845 — 1904) таваллудининг 170 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Байналмилал маркази, Республика қозоқ маданият маркази томонидан ташкиллаштирилди.

Тадбирни қозоқ маданият марказининг раҳбари Сарсенбай Усенов ва Байналмилал маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев олиб боришди. Халқ ансамблларининг концерт номерлари, рақслари, яккахон хонандаларнинг чиқишлари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ушбу анжуманга ўзгача файз бағишлади. Мушоирада Қулназар Ибрагимов, Бўрон Қидиров, Пўлат Қазбеков, Музаффар Аҳмад каби шоирлар Абайга бағишланган шеърларини ўқиб бердилар. Шоир ва адабиётшунос Абдулла Рустамовнинг "Абай олами" номли китоби тақдимоти ҳам йиғилиш қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

**М.ИСЛОМҚУЛОВ,**
**Қозоқ адабиёти кенгаши котиби**

Янги таржималар

Расул ҲАМЗАТОВ, Доғистон халқ шоири

Ўзбекистонда оз бўлган эсам-да, таассуротларим бир умрга татигулик. Қадимий обидалару сулув қизлар, мард йигитлар! Кўҳна бозорлар! Самарқанду Бухоро! Гарчанд Ўзбекистон шеъру қўшиққа бой эса-да, жаҳон классик шеъриятиниям юксак қадрлашларингга ҳавасим келади.



# ФАҚАТ ОЗОДЛИКДА БОРДИР БАХТ, МАЪНО

## ИККИТА ШОЛРЎМОЛ

Кўклам арафаси, ажойиб бир кун,
Ўзга эл-юртлардан эсдалик дея —
Иккита оқ рўмол олиб келгандим —
Икки аёл учун камтар бир ҳадя.

Мудом тушуниксиз турмушнинг кори,
Қаранг, бири сўлиб, бири кулибди.
Бирисини ташлаб кетибди ёри,
Иккинчисин ёри қайтиб келибди.

Биринчиси — тоғда яшаган аёл —
Айриликда бағри куйиб бўлган кул —
Оппоқ шолрўмолни ялдо тун мисол
Қоп-қора рангларга бўямиш буткул.

Униси — овулда макон тутгани —
Бахтга тўлиб, масрур, шод бўлган аёл,
Қувончин ифода этмишдир, яъни
Қирмизи рангларга чулғанмиш рўмол.

Хаттахтага ўхшар инсон манглайи,
Унга битилмишдир тақдир, қисмати.
Менинг кўз ўнгимда туради доим,
Шолрўмолли икки аёл сурати.

Умиду ҳадик ва муҳаббат, озор,
Изтиробу қувонч рангига ахир,
Сўзларни бўядим неча бор, такрор,
Ҳар жойда уларга бўлдим мен асир.

## ҚЎШИҚ

Отангиз жангларда тўккан эди қон,
Сиз бугун бўй етган, забардаст ўғлон.
Чунки тиним билмас бу йиллар — дарё,
Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Ерларга сиёҳмас, тўкилганди қон,
Эгарда битилган бу шонли достон.
Сатрлар ол рангга бўялмиш гўё,
Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Сизнинг ёшингизда қўшинни бошлаб,
Жанг қилдик душманнинг кўзини ёшлаб.
Қилич эдик, қиндай ютди ер — юҳо,
Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Қўрқмадик майда гап-сўздан ҳеч маҳал,
Дўст учун жон бердик мардона, дангал.
Оталар бизлардан бўлдилар ризо,
Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Сиз ҳам асрагайсиз биз асраганни,
Омонатдай сақланг бу ҳур Ватанни.
Фақат озодликда бордир бахт, маъно,
Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

Оқил бўлинг, тоғдай узоқни кўринг,
Ўт бўлинг, денгиздай гувраб, жўш уринг.
Ҳалолу пок бўлинг, сизга ёр Худо,
Ўғиллар, бизларни унутманг асло.

## ШУЯМ ЭРКАК БЎЛДИМИ?

Ўйламай, фикр қилмай,
Кулса ҳеч тўхтов билмай,
Шуям эркак бўлдими?

Куни ўтса туйғусиз,
Бутун умри қайғусиз,
Шуям эркак бўлдими?

Ҳаттоки тилак чоғи,
Очилмаса қовоғи,
Шуям эркак бўлдими?

Ўтса ёниб суймасдан,
Ўпич таъмин туймасдан,
Шуям эркак бўлдими?

Ишқ, розда бўлиб суюқ,
Билмаса ўлчов, тийиқ,
Шуям эркак бўлдими?

Хушомад-ла ийдириб,
Кетса сотиб, кийдириб,
Шуям эркак бўлдими?

Келса-ю мағрур, пўрим,
Қадаҳи қолса ярим,
Шуям эркак бўлдими?

Одамлар кўп жойда ҳам,
Ичса билмасдан тўхтам,
Шуям эркак бўлдими?



Юртидан бадар кетса,
Ота уйин унутса,
Шуям эркак бўлдими?

Бировларнинг меҳнатин
Билмаса қадр-қимматин,
Шуям эркак бўлдими?

Ваъда бериб, сўз айтиб,
Олаверса сўнг қайтиб,
Шуям эркак бўлдими?

## АГАР...

Агар сенга совчи қўйиш-чун
Тайёр турса мингта харидор,
Ўшаларнинг ичида, билгин,
Шак-шубҳасиз, Расул Ҳамзат бор.

Агар сенга юз нафар йигит
Кўпдан бўлса беқарор шайдо.
Шу юз йигит ичида албат,
Бўлажакдир Расул ҳам пайдо.

Агар сени ўн нафар ошиқ
Севса жонин ўтларга отиб,
Ушбу сафдан жой олар аниқ
Шод ва ғамгин Расул Ҳамзатов.

Агар фақат битта чин мажнун
Қолар бўлса аҳдга вафодор,
Ўша содиқ ошиқни, билгин,
Тоғлик Расул атарлар, дилдор.

Агар сени севмаса ҳеч ким,
Яшар бўлсанг аламлар ютиб,
Демак, тоғлар бағрига бу дам
Кўмилибди Расул Ҳамзатов.

Рус тилидан Ориф ТОЛИБ таржимаси



*О.ТОЛИБ 1987 йили Фарғона вилоятида туғилган. 2009 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетини тугатган. 2011 йили "Учрашув" номли китоби чоп этилган.*

Турсунбой АДАШБОЕВ

# КИТОБНИНГ ЎРНИ БОШҚА

## БОЛАЛАРГА ШЕЪР ЁЗИШ...



I

"Кигиздан қозиқ ясаб,
Харсанг тошга қоққандай",
Болалардай завқланиб,
Оламга тик боққандай.
Кутилмаган қофия
Кўкда чақмоқ чаққандай.
Ўқиганлар лол қолиб:
— Қойил, — десин. — Оҳ, қантдай!
Кичкинтойга шеър ёзиш
Ўйинчоқмас, ўйинмас.
Яхши китоб учраса,
Қайси бола суюнмас.
Суратлардан завқланиб,
Такрор ўқиб, тўйинмас.

II

Компютер зўр кашфиёт
Тан берамиз, қойилмиз.
Сеҳрли тугмаларнинг
Хизматига мойилмиз.
Ҳар қандайин вазифа
Тезу тоза битаркан.
Олтиндайин вақтингни
Ялмоғиздай ютаркан.
Қувнаб-яйраб ишлаймиз
Завқ билан, ҳузур билан.
Маслаҳатим, болажон,
Кўп ўйнашманг нур билан...

III

Интернет соз, мухлиснинг
Манзили бор, сайти бор.
Ёзувчи, олимларнинг
Эътирофи, қайди бор.
Қаршисида миҳланиб,
Мўъжизалар кутмангиз.
Электрон китобнинг
Зарарин унутмангиз...

IV

Китобнинг ўрни бошқа,
Қиёси йўқ маъводир.
Билимдонга суҳбатдош,
Бадбинларга даводир.
Содда сўз кўмагида
Қалб кўзларин ёриштир.
Табиат алифбосин
Омухта қил, қориштир.
Ҳар қандайин асарга
Китобхонлар холисдир.
Ишонмасанг уларга,
Сен ҳам ёз-да, солиштир...

V

Шоир дўстим, бағринг кенг,
Юрагинг тоза бўлса,
Ниятингта холислик
Эгиз, андоза бўлса,
Шунда шеъринг жой олар
Болаларнинг кўнглидан.
Омад сенга ёр бўлиб,
Ишинг келар ўнгидан...

* * *

Болалар адиби оз,
Кўп бор таҳлил қилдилар.
Сўнг, бу соҳа мураккаб,
Мушкуллигин билдилар...

## ИГНА БЎЛИБ

Жажжи маймун ўрмонда —
Сайр этарди айланиб,
У тўсатдан учратди,
Игна тўнли жайрани.
Қараб у ён, бу ёнга,
Хаёллари бўлинди.
Бироз юргач сўқмоқда,
Типратикан кўринди.
Маймун эса аланглаб,
Зимдан боқар ўзига.
Игна бўлиб кўринар,
Жайра, Кирпи кўзига...

*Т.АДАШБОЕВ 1939 йили туғилган. Тошкент давлат университетини битирган. «Камолнинг олмаси», «Биз саёҳатчилар», «Олатовлик бўламан» каби ўндан ортиқ тўпламлари нашр этилган. Уолтер Дэ Ламер, К.Чуковский, С.Маршак, Л.Бриедис каби шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.*

Наргиза АСАДОВА

# КЎЗМУНЧОҚ

Ҳикоя



У қизи билан уйга кирибоқ стулга ҳорғин чўкди. Бугун иш ҳар доимгидан ҳам кўп бўлди. Ўзи йил якунида ҳисоботлар йиғилиб қолади.

Деразанинг бир табақасини очди. Хонага кирган кузнинг салқин ҳавоси юзларига хуш ёқди. Енгил тин олиб, қизариб ботаётган офтобга, ёрилган анордек олланган самога бир зум тикилди.

Шу пайт ёнида кийимларини алмаштираётган қизалоғи:

— Ойижон, кўзмунчоғимни йўқотиб қўйибман, — деди мунчоқ кўзларига хавотир иниб.

— Шундай де. Энди нима қиламиз? — деди бошини сарак-сарак қилиб.

Дилфазо эса ўнг қўлига тикилганча ўйланиб турди-да, сўнг хафа бўлиб:

— Ойижон, сиз ҳам мендек вақтингиз кўзмунчоғингизни йўқотиб қўйганмисиз? — деди ўзини оқламоқчидек. Бундай саволни кутмагани учун Дилҳаё бир лаҳза нима дейишини билмай каловланиб қолдида, кейин:

— Ҳа, йўқотганман, болалигимда йўқотгандим, қизгинам, — деди ва хаёлида ўтмишидаги воқеалар хотиранинг қоронғу бурчакларидан чиқиб тиклана бошлади...

Дилҳаё ота-онасининг ёлғиз фарзанди эди. У энди эсини таний бошлаган пайтлари. Отаси негадир ойисини бесабаб койийверарди. Бунда кўпроқ бувисининг ҳиссаси борлигини анча кейин билди. Шундай кўнгилхираликлар содир бўлганда онаси индамай ичкари уйга кириб кетар, деразанинг ёнида туриб, олисларга узоқ тикилиб, кўз ёшларини артарди. Тўрт-беш ёшлар чамасидаги Дилҳаё онасининг қайси айби учун гап эшитаётганини тушунмаса-да, унга ачинар, чучук тиллари билан «Ойи, йиламанг» деб онасининг пинжига кирарди. Ўшанда болалигига борибми, ойиси юкли бўлмаётганлиги учун бувисининг кесатиқли гапларини, дадасининг бор аламини онасидан олиб, жанжал чиқаришини тушунмас, нега олдингидек тинч-тотув эмасликларини мурғак қалби англай олмасди.

Кўклам кунларидан бирида қўрадаги совлиқлардан бири болалади. У биринчи марта бунақа кичкина қўйчани кўриши эди. Бирам чиройли, бирам жажжики, момиқ юнгларини силагинг келади. Қоп-қора кўзлари қуралай, ора-сира тамшаниб онасига талпинишини айтмаганда, нуқул жим ётади. Бувисининг айтишича, қўзичоқ чала туғилганмиш. Ахир, бут-бутун-ку! Қўл-оёғи, бурни, кўзи жойида, қимирлатиб қўядиган кичкинагина қулоқчалари ҳам бор. Дилҳаёга эрмак топилди. Энди ҳар куни тонг отиши билан қўзичоқнинг ёнига югурар, энди бўй чўзган гиёҳларни юлиб унинг оғзига тутарди. Қўзичоқ борган сайин кучга тўлар, оёқларида туриб, унинг қўлидаги емакка талпинарди. Дилҳаё ўзига шундай ҳамроҳ топилганидан хурсанд, энди ўйинларига хуши келса қўшадиган, хуши келмаса яқинлатмайдиган болаларга ялинмас, бурчакда туриб қўшни ака-сингилларнинг ўйинларини ҳавас билан кузатишга унда на вақт, на тоқат қолганди.

Қизалоқ учун овунчоқ топилганидан уйдагилар, айниқса, онаси мамнун. Кўчадаги ўртоқларидан хафа бўлиб, йиғламсираб кирган дамларда онасининг кўнгли бузилиб, уни бағрига босар, «Қўявер, оппоғим, сенинг ҳам укангиз бўлса, уларга қараб ўтирмайсан, ўзларинг маза қилиб ўйнайверасизлар», дерди овутиб. Мана, энди ўша болаларнинг унга ҳаваси келади. Чунки унинг Кўзмунчоғи бор. Дилҳаё қўзичоққа шундай ном берди. Бошида дадасидан, бувисидан сўради. Кимдир, Қашқа деса, яна кимдир Қоравой деди. Охири ойиси ўйланиб турди-да, «Кел, уни Кўзмунчоқ деб атаймиз», деди ўзи топган топилмадан болаларча қувониб.

Шу тариқа унинг кўпинча ўзи билан ўзи ўйнайдиган бироз зерикарли, бир хил бошланиб, шу тахлит тугайдиган кунларига мазмун кирди. Болалиги қувончли кунларга, серфайз лаҳзаларга тўлди. Кўзмунчоқ у билан деярли ҳар дақиқа бирга, сакраб-сакраб орқасидан қолмайди. Пешонасидаги оқ қашқасини айтмаганда, тим қора эди. Дилҳаё ўйинқароқлик қилиб ҳовлидаги гулзорга яшириниб олса «бэ-бэ-э»лаб, у ёқдан бу ёққа юриб уни ахтарар, бошини гуллар орасидан чиқариши билан ёнига чопиб келиб ирғишларди. Назарида қўзичоқ гапга тушунар, шу боис қизча ўзининг хаёлларини, орзуларини соатлаб унга айтиб ўтирарди.

Баҳор-у ёз ҳаш-паш деганча ўтиб кетди. Куз келиб, ишкомдаги хусайни узумлар қуёш нурида ял-ял ёниб пишган, боғдаги олмалар бири қизил, бири ним пушти бўлиб кўзни оладиган паллалар. Шундай кунларнинг бирида бувиси дадаси билан супада ўтириб анчагача суҳбатлашишди. Улар нима ҳақида гаплашаётганини билиб бўлмас, бироқ негадир дадаси бир унга, бир Кўзмунчоққа қараб-қараб қўяр, афтидан у чорасиз қолганди шу тобда. Бувиси эса, қўлларини силтаб-силтаб дадасига алланималарни тушунтирарди. Онаси нон ёпаркан, ора-сира тандирдан узоқлашиб, уларга хавотир билан қараб қўярди.

Эртаси дадаси уни тиззасига олиб, эркалади, сочларини силаб меҳр билан ўпиб қўйди. Нега бундай қилаётганини у тушунмаса-да, нимагадир кўнгли ийиб, кулимсиради, чулдираб Кўзмунчоғи ҳақида гапира кетди. Бугун у бироз ўйчан, мулойим тортган. Қизига, унинг тўлиб-тошиб қўзичоғи ҳақида гапиришига қулоқ солиб тургач:

— Дилҳаё, қизим, бугун... уни, бозорга оборамиз, майлими? — деб сўради, овозини пасайтириб. Дилҳаё аввал кимни деб сўрамоқчи бўлди-ю, аммо гап нима ҳақида бораётганини тушуниб:

— Кўзмунчоқними? Нега, нега, ахир?..

Унинг ёноқларида ёш думалади. Жажжи елкалари силкиниб, кишини ларзага соладиган бир ҳолатда қолди у.

— Энди сен улғайиб қолдинг, ҳадемай мактабга борасан. Кейин Кўзмунчоғинг ҳам катта қўй бўляпти, уни сотсак, сенга яна қўзичоқ олиб берамиз, — деди дадаси кўндиришга уриниб.

Дилҳаё эса дадасининг тиззасидан тушиб ерга ўтириб олди ва ростмана йиғлаб, ялинишга тушди:

— Дадажон, илтимос, ундай қилманг, менга бошқаси керакмас, уни бозорга олиб кетманг, хўп денг...

Шу пайт келиб қолган бувиси унинг кўз ёши тўкиб ўтирганини кўриб ғазабланиб, қошларини чимирганча гапира кетди:

— Ҳой, аҳмоқ қиз, нега йиғлайсан, сенга ука керакми ё мана шу савил қўйми? Уни Қайрағоч бувага атаганмиз, қурбонлик қилсак, Худо сенга ҳам ўғил ука беради. Ўшани ўйнатасан кейин.

Сўнг кўзи билан ер чизиб ўтирган дадасига ўкрайганча:

— Сен ҳам мундоқ гапирсанг-чи, одамлар бола учун жонини беради, сен-чи, битта қўйни баҳридан ўтолмаяпсан. Ўзи сен ҳам анави латтачайнар хотинингга ўхшаб...

Остонада пайдо бўлган ойисини кўриб бувиси яна авж олди:

— Гап тамом, бугун туш маҳалига етказиб бор, чоллар келади, яхши ният билан шу ишни қилсак, ниятимизга етамиз, — деди ва эшикни «тақ» этиб ёпиб чиқиб кетди.

Дилҳаё мўлтираб бир дадасига, бир онасига қараркан, нима деярини билмай, йиғларди. Онаси рўмоли билан мижжаларини артиб, оҳиста деди:

— Келинг, ўрнига тоғасиникидаги қўйни олиб борайлик, буни вақтинча акамникига қўйиб турамиз. Қизимиз тағин ичикиб қолмасин.

— Қўйсанг-чи, онамни алдаб бўлмайди, билсалар сенинг ҳам, менинг ҳам кўзимизни очирмайди, Дилҳаёга бугуноқ янги қўзичоқ олиб бераман.

Уларга илинж билан қараб турган Дилҳаё энди кескин:

— Йўқ, керакмас, бошқа қўзичоқ боқмайман. Барибир бир куни уни ҳам сўясизлар. Бувим ҳам, сизлар ҳам ёмонсизлар, — деди.

— Дилҳаё, бу нима деганинг, — деди онаси йиғламсираб.

У эса араз билан уйдан чиқиб, Кўзмунчоқнинг ёнига югурди. Оғилхонага кириб, бирдан таққа тўхтаб қолди. Кўзларига ишонмай, у ёқ буёққа аланглади. Юрагига ваҳима оралаб, қўллари билан оғзини ёпиб:

— Кўзмунчоқ! — деб бақириб юборди.

Аввал олмазорга, кейин бедаси ўриб олинган томорқага югурди. Бироқ қўзичоқ ҳеч қаерда йўқ эди. Шунда хаёлига келган машъум ўйдан бир чўчиб тушди-ю, Қайрағоч бува даласига чопди.

Бувиси аллақачон бир неча киши билан қўзичоқни зиёратгоҳга келтирган ва дарахтга боғлаб қўйганди. Дилҳаё қўзичоғини кўрганидан ҳаяжонланиб:

— Кўзмунчоқ! — деб у томон ошиқди. Қўзичоқ ҳам қизчани таниб, бўйнидаги арқонни узгудек «бэ-беэз»лаб унга талпинди. Дилҳаё худди минг йилдан бери қўзичоғини кўрмагандек, уни ачомлаб, бўйинларини силаб эркалади. Қўзичоқ қизчани искай-искай, дикирлаб, гўё арқонни уз, бу ердан кетайлик дегандек типирчилади. Шу чоғ кимдир шартта уни қўлидан тортиб турғазмоқчи бўлди, ўгрилиб қараса, бувиси дарғазаб турибди:

— Холмат, бор манавини уйга олиб бориб онасига топшир, қамаб қўйсин, — деди қўшни йигитга тайинлаб.

Боягина севинч порлаган нигоҳларига бир зумда ўкинч, алам соя ташлади. Қаҳр билан боқиб турган бувисига, «Кўтармасам ҳам ўзинг юрасанми?» дегандек саволомуз тикилиб турган қўшни йигитга қараркан, қатъият билан «Ўзим кетаман!» деди. Сўнгги марта Кўзмунчоқни қучаркан, кўз ёшлари қўзининг қоп-қора юнгларига тушиб, ерга думалади. Кейин даст ўрнидан турди-да, ортига қарамай тез-тез юриб кетди.

Шу куни у беғубор, беташвиш, покиза хаёлларга ошно болалик олами билан хайрлашиб, катталарнинг тушунарсиз, ғалвали, бир-бировини ноҳақ гап-сўзлар билан адо этадиган ҳаётга кириб қолгандек сезар, буни тушуна олмасди. Бу аслида бола қалбидаги бир исён эди...

Дилҳаё болалигида кечган ўша олис манзаралар занжиридан чиқар экан, юлдузлар билан чарағон осмонга тикилди. Эртага ҳаво очиқ бўлади, деган фикр ўтди кўнглидан. Шунда ичкари уйдан қизи Дилфазонинг шодон қийқириғи эшитилди:

— Ойижон, қаранг, кўзмунчоғимни топдим, капалакли кўйлагимнинг чўнтагида экан!

Дилҳаё чўккалаб дилбандини бағрига босиб:

— Ростданми, қани-қани, вой қандай яхши бўлибди, — деди астойдил хурсанд бўлиб. — Энди уни йўқотма, сира йўқотма, хўпми, — деди қувончдан киприклари намланиб.

*Н.АСАДОВА Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида туғилган. Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган. "Ишқ остонаси", "Юрагимнинг сарҳадлари", "Настарин" номли шеърий тўпламлари нашрдан чиққан.*

Бир ғазал шарҳи

# "…ОФИЯТ КУНЖИ МАНГА ЭРДИ МАҚОМ"

**Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Фавойид ул-кибар" девонидаги "Эй хуш улким, офият кунжи манга эрди мақом" деб бошланадиган ғазалда лирик қаҳрамоннинг ишқдан олдинги осуда ва ишқ дарди бошига тушгандан кейинги ҳолатлари акс эттирилган. Матлаъни ўқиймиз:**

**Эй хуш улким, офият кунжи манга эрди мақом,**
**Сураи "Вашшамс"у "Валлайл" эрди вирдим**
**субҳу шом.**

Байтдаги мураккаб сўзларнинг маъносини аниқлаб олайлик. *Офият* – тинчлик, соғлик, вирд – қайта-қайта (такрорланиш) маъносида. *"Вашшамс"* ва *"Валлайл"* Қуръони карим суралари бўлиб, "Қуёшга қасам" ва "Тонгга қасам" калималари билан бошланганлиги сабабли Навоий унинг тун ва тонгда айтилишига қиёс қилиб, сўз ўйинини қўллаган. Байт маъносини изоҳлашга ҳаракат қиламиз: қандай яхши пайтлар эди, тинчлик, осудалик кунжи (бурчаги) менинг йўлим (ҳаётимдаги мақсадим), мақсадга етишиш услубим эди. Кеча-ю кундуз Қуръони карим сураларини қайта-қайта тиловат қилардим.

Матлаъдаги ҳолатда бир қараганда, зоҳид ва порсо кишининг кундалик осуда ҳаёти тасвирлангандек. Бироқ бу шеър учун, айниқса, Навоийдек ишқпараст шоирнинг ғазали учун хос бўлмаган осудалик. Демак, ғазалда ва лирик қаҳрамон руҳиятида қандайдир ўзгариш рўй бериши керак.

Байтнинг ботиний маъносини уқишга уринамиз: қандай яхши пайтлар эди, мен ишқдан (илоҳий жамол ва асрор тажаллийсидан) бехабар тинчгина юрган эдим, ишим ўзим маъносини тушунмай қилинадиган қуруқ ибодатдан иборат эди.

Бир қарашда ғазалда ўша тинчгина юрган пайтларини қўмсаган лирик қаҳрамоннинг кайфиятига, яхшироқ эътибор берилса, ўтмишига нисбатан нозик киноя акс этганини англаш мумкин.

**Субҳ андин хилватимға нафхаи Руҳул қудус,**
**Шом мундин кунжи фақрим равзаи доруссалом.**

"Субҳ" ва "шом" сўзлари орқали муқобала (тақобули тазод) санъатидан фойдаланган шоир байтидаги тушунарсиз сўзларнинг маъносини изоҳлашга ҳаракат қилайлик.

Субҳ – тонг, хилват – холи, кимсасизлик, нафха – пуфлаш, қаттиқ пуфлаш, руҳ ул-қудс – муқаддас руҳ (фаришта маъносида). Равзаи доруссалом бирикмасининг турли маънолари бор: саломатлик уйи, Арабистондаги жой номи, яъни Бағдод шаҳри, жаннат маъноларида келади. Демак, байтнинг маъносини шарҳлашга уринайлик: тонг чоғи менинг ибодатдаги хилватим(холилигим, ёлғизлигим)да фаришталарнинг нафаслари бор эди, яъни менинг ибодатимга фаришталар назар айлаганди, шомдаги фақирлигим кунжида (ожизлигим риёзатида) жаннатнинг саодатли уйлари шукуҳи бор эди. Кўринадики, шеърдаги лирик қаҳрамон (тақводор ва парҳезкор зот) энди шунчаки порсо ва зоҳид киши эмас. У ибодатлари орқасидан маълум бир мартабага эришган. Эсланг, Навоий ишқини тараннум айлаган ва ўзи ҳавас қилган Шайх Санъон ҳам Каъбада юксак даражага эришган шайх ул-машойих эди. Байтнинг ботиний маъносидаги киноя кучайиб боради. Навбатдаги байт:

**Сайд субҳам донаси бирла малойик қушлари,**
**Анда қўймай риштаи зуҳду риёи бирла дом.**

Субҳа – тасбеҳ, дом – тузоқ. Демак, биз талқин қилаётган ғазал қаҳрамони ибодатда шу даражага етдики, тасбеҳ доналари билан малойик(фаришта)ларни худди қушларни тузоқнинг ичига дон сепиб овлагандек, ёлғон зуҳд(-сохта парҳезкорлик)нинг ипи билан домга туширмоқда. Шеърнинг ботиний маъносидаги ошиқ энди ўтмишини шунчаки баён қилмаяпти, балки ўзини маломат қилиш йўлидан бораяпти:

**Не біровнинг қомати раъносидин нолам бийик,**
**Не кишининг ғамзаи жодусидин уйқум ҳаром.**

Муқобала (параллелизм) санъатининг қўлланилиши давом этади. Яъни: "биров"нинг раъно – гўзал қомати таъсирида нолам улуғ (катта) ҳам эмас ва унинг ғамзасидан уйқум ҳаром ҳам бўлмаган эди.

Демак, маъшуқнинг қомати қанчалик улуғвор бўлса, ошиқнинг ноласи шунга монанд баланд бўлади. Жодули ғамза (кўз сузиб қараш) ҳам ошиқ уйқусини ҳаром қилиши тайин. Лекин лирик қаҳрамонда буларнинг ҳеч қайсиси йўқ, у осойишталик аро тоат-ибодат билан банд. Ботиний маънодаги маломат давом этади:

**Не ичимда лоларухлар ишқидин қонлиғ туған,**
**Не бошимда сиймбарлар васлидин савдойи хом.**

Навоийнинг воқеабанд ғазаллари каби таҳлил этилаётган ушбу ғазалда ҳам воқеа баёни байтдан-байтга кучайиб боради. Байтнинг маъноси: лирик қаҳрамоннинг ичида лоларухсорлар ишқидан қонлиғ туган (доғ) ҳам йўқ, сиймбарлар (кумуш баданлар) васлидан савдои хом (хом хаёл) ҳам йўқ. Бу байтда муқобала санъати бироз яширин берилган. Демак, ғазал қаҳрамони ишқ ва ошиқликнинг кўчасидан юз фарсаҳ йироқ. Ботиний маънодаги маломат кейинги байтда кульминацияга чиқди.

**Ҳам кўнгулдин нозанинлар суҳбати бўлған унут,**
**Ҳам назардин маҳжабинлар сурати бориб тамом.**

Кўнгли(м)дан нозанинлар суҳбати унут бўлиб, назари(м)дан маҳжабин (ой пешона)лар сурати (кўриниши, хаёли) тамом ўчган.

Ғазал қаҳрамони бир пайтлар ишқ дардига мубтало бўлган. Ҳозир эса ўша дамлардан тавба қилган. Нафақат тавба қилган, балки ўша пайтларни кўнглидан ҳам, назаридан ҳам узоқлаштирган. Ботиний маънода эса, лирик қаҳрамон ўша дамларни, нозанинлар суҳбатию, маҳжабинларнинг сурати жилваланган кўнглининг ҳолатини қўмсайди. Навбатдаги байт:

**Ногаҳон шаҳ базмида жонимға тушти офате,**
**Мен ўзумдин бордим,**
**ул билмон қаён қилди хиром.**

Яъни ногаҳон (тўйқусдан) шоҳ базмида жонимга (ҳусн ўтининг шуъласидан) офат (ишқ савдоси) тушди. (Натижада) мен ўзимдан кетдим ва у(маъшуқа)нинг қаерга кетганидан бехабар қолдим.



Байтнинг ботиний маъноси эса шундай ўқилади: бир лаҳзалик висол ичида ошиқ қалб Тангри жамоли тажалли этган юзни, яъни мазҳарни кўрди. Анчадан, балки азалдан бери излаб юрган нарсасини топган руҳ эса бундай қувончга тоқат қилолмай (хурсандлигидан) ҳушидан кетди.

Тўғри, ошиқнинг ўзи ҳали бундан бехабар. Лекин мазҳариллоҳнинг қалбга ташрифини руҳ англаб етди. Эсланг, маъшуқини илк бор кўрганда Фарҳод ҳам, шайх Санъон ҳам айнан шу ҳолга тушади, яъни ҳушидан кетади.

Навбатдаги байт:

**Ҳуш кетти, ақл итти, қолмади жону кўнгул,**
**Ишқ чекти зуҳд ила савдоларимға интиқом.**

Ҳуш ҳам, ақл ҳам кетди, жон ва кўнгул ҳам қолмади, ишқ зуҳд (парҳезкорлик) билан ибодатдаги барча(савдо)лар учун гўё қасос олди.

Ғазалнинг биз англаб етган ботиний маъносига кўра, ошиқ ўзи излаб юрган мазҳарни кўргандан кейин ўша лаҳзада унинг қалбида ишқи илоҳий жилвалана бошлади. Лирик қаҳрамон, гарчи зоҳиран нолаю зор қилаётган бўлсада, унинг қалби энди ором топди, зеро, бу дунёга келиб излаб юрган мақсудини топди-да. Ҳа, унга аввалги маҳжабинлару нозанинларнинг мажозий муҳаббати беролмаган руҳий лаззатни қаён хиром этганини ҳам англолмай қолган гўзал чеҳра бағишлади! Унинг юзида акс этган Тангри тажаллиси ошиқни сохта тақою парҳезкорликдан қутқариб, ҳақиқатга ошно қилади. Образли қилиб айтадиган бўлсак, мисни олтинга айлантиради.

**Тушмиш ўт жонимга ул дамдин бери ул навъким,**
**Жон бериб ўлмакни топмон,**
**айлабон юз иҳтимом.**

Жонимга шу даражада ўт тушдики, натижада юз ҳаракат билан жон бериб ҳам ўлишни – бу дарддан озод бўлиш йўлини топа олмадим. Ишқ борки –дард бор, дейди Навоий. Ошиқнинг ҳижрондаги бу азоблари аслида уни поклаётган кимёдир.

**Ёр ғойиб, дард муҳлик, халқ ғофил, найлайин,**
**Ғаврума ким еткай илло шоҳи гардун иҳтишом.**

Мураккаб сўзларнинг маъносини аниқлаймиз. *Муҳлик* – ҳалок қилгувчи, ўлдиргувчи, *ғавр* – туби, охири, *шоҳи гардун* – фалак подшоҳи, Оллоҳ, *иҳтишом* – дабдаба, ҳашамат, давлат. Демак, байтнинг маъноси: ёр ғойиб бўлди (кўринмади), дард муҳлик (ҳалок қилгувчи) даражага етди. Халқ бу аҳволимдан ғофил, гардун шоҳи (Оллоҳ) ҳашаматли, дабдабали, юксак бўлганлиги боис менинг ғаврума (дардимнинг охирига, тубига) етмадики, бошқалардан не умид?!

Байтнинг биз англаб етган ботинида бу тасвирлар қуйидагича маъно касб этади: тасаввуфий маънода ҳижрон ва унинг аламу изтиробларининг тасвири руҳнинг бу дунёнинг зоҳирий "жилва"лар-ю, ташвишларидан ҳали батамом қутула олмаганлиги билан ҳам изоҳланади. Демак, ёр ғойиб бўлди, мазҳар бир кўриниб, яшириниб олди ёки ошиқнинг кўнгли вақтинчалик дунё ғалваларига ўралашиб қолгани боис маҳбуби ҳақиқий (Оллоҳ) толиб қалбидан пинҳон бўлди. Натижада ишқ (аниқроғи, ҳижроннинг азоби) жондан ўтяпти, халқ ғофил – оддий кишилар аҳли хос англаган илоҳий муҳаббатни тушунмайдилар ва шунинг натижасида ошиқни маломат қилишдан ҳам қайтмайдилар. Бу ҳолат – муҳаббатнинг вақтинчалик пасайиши ошиқ учун ҳақиқий азоб бўлиб, бунинг устига маҳбуби ҳақиқий(шоҳи гардун)нинг иҳтишом(дабдабаси, ҳашамати) ошиқни иккилантиряпти ва натижада толиб ҳақли равишда ғаврума ким етгай, деб нола чекмоқда.

**Эй Навоий, ёрдин дардинг иложи бўлмаса,**
**Бош олиб кеттил, уруб оворалиғ даштиға гом.**

Эй, Навоий, дея шоир одатдагидек ғазал мақтаъсида тахаллусини қўллаб, ўз-ўзига мурожаат қилади. Ёрдан дардингга даво бўлмагандан кейин оворалик даштига гом (қадам) ургин (равона бўлгин). Байтнинг ботиний маъноси ҳам ишқи илоҳий йўлига эндигина қадам қўйган ва ундаги ҳижрондан умидсизликка тушган ошиққа шоирнинг маслаҳати тарзида якунланади: эй, Навоий ёрдин дардинг иложи бўлмаса (мазҳар сенга эътибор бермаса ёки маҳбуби ҳақиқийнинг ишқи қалбингда зуҳур этмаса), оворалиқ даштига қадам қўйгин, кетгин. Яъни атрофингдаги зоҳирий дунё ташвишларин унут, ўз-ўзингни англагин!

Зоҳиран ғазал чорасизлик баёни билан якунлангандек туюлса-да, унинг асл ботиний маъносида ана шу чорасизликнинг ўзи чорадир, дейди шоир ўзининг иделларига содиқ қолган ҳолда.

Хулоса қилиб айтганда, бу ғазал ишқи илоҳий йўлини ўз ҳаёт маслаги деб билган ва бу йўлда кўп изтироб ва умидсизлик, изланиш ва йўқотишларга дуч келса-да, лекин ўз йўлидан асло қайтмаган ошиқ, Ҳақ толиби, камолотга, илоҳий маърифатга интилувчи ориф қалби наволарининг ҳазрат Навоийга хос юксак тасвиридир.

**Зуҳра МАМАДАЛИЕВА,**
**филология фанлари номзоди**

# МАВЗУ ВА ТАЛҚИН

## ЁХУД СЎЗБОЗЛИК САНЪАТ ЭМАС

Кўнгилдаги гаплар

"Бу дунёда дононинг сўзи ва ботирнинг жасорати қолади", деган қадим ҳикмат барча замонларга дахлдор экани билан қимматлидир. Халқнинг мард, ориятли, жасур фарзандлари шарафланган қўшиқ ва достонларнинг ҳамиша қадри баландлиги сири ҳам шунда. Бугунги бахтга ёр кунларимиз ҳам фахр-ифтихор билан авж пардаларда таъриф-тавсиф этишга лойиқ. Зеро, бунёдкорлик ва фаровонликка уйғун истиқлол йилларида, баҳорда кўз очган булоқлар сингари, барча касб-кор эгаларининг қобилияти, имконияти юзага чиқмоқда. Юртимизда том маънода шону шарафга муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг бадиий талқинлари, тарғиб-ташвиқоти эса ижод аҳли олдига залворли вазифаларни қўяди. Бугун Ватан равнақи йўлида камарбаста инсонларнинг фидойилиги муносиб тарзда тасвирланган, замонамиз қаҳрамонининг қиёфаси ҳаққоний тарзда акс эттирилган асарларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам юқори экани барчамизга аён.

Юртбошимизнинг **"Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор"** рисоласида адабиётнинг миллат ва жамият маънавиятидаги, шахснинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал тарбиясидаги ижтимоий-эстетик вазифаси ҳақида шундай таъкидланади: **"Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган инсонлар, деб биламан"**.

Дарҳақиқат, сўз санъати, ижодкор ижтимоий воқеликдаги, жамият ҳаётидаги энг илғор тенденцияларни бадиий жиҳатдан умумлаштиради, эстетик баҳолайди.

Хўш, бу вазифаларнинг ижроси бугунги адабий жараёнда қай даражада ўз аксини топаётир? Турли жанрларда битилаётган асарларда ҳозирги қайноқ ҳаёт нафасини тўла-тўкис ҳис этяпмизми? Миллий ғуруримизга айланган, ҳар жиҳатдан шарафлашга арзигулик улкан бунёдкорлик ишлари, бебаҳо қадриятларимизнинг бадиий талқинлари савияси қандай?

Адабиётда мавзулар бисёр, бироқ улар орасида Ватан, унинг ўтмиши, халқ ҳаёти, улуғ ватандошлар тақдири билан боғлиқ мавзулар ижодкордан алоҳида масъулият ва маҳоратни талаб этади. Афсуски, қуруқ таърифтавсифга таяниб, воқеалар, шахслар, саналар ва жой номларини қофиялаштириб санаб ўтишга асосланиб асар ёзган муаллиф айрим ўринларда ўзи билиб-билмаган ҳолда миллатчилик ва маҳдудлик кайфиятини ҳам уйғотиши мумкин. Бундай ҳолатлардан барчамиз, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар, шоиру адиблар, ношир ва муҳаррирлар доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз керак.

Нега деганда, ўз тарихида не-не буюк воқеаларни, оғир синов ва машаққатларни бошидан кечирган халқимиз асрлар давомида ўзининг бошқа миллат ва элатларга нисбатан бағрикенглиги ва олижаноблиги, меҳр-оқибати, инсонийлигини яққол намоён этиб келмоқда. Бинобарин, бундай халқ енгил-елпи, қуруқ мадҳиябозлик руҳидаги сохта таърифларга асло муҳтож эмас.

Бугунги адабий жараёнда, афсуски, ижодкор қалбидан туғён бўлиб чиқмаган, унинг шахсий, фаол, онгли муносабати яққол сезилмайдиган, шу боис бадиий-эстетик таъсирдан маҳрум бўлган ана шундай асарлар ёзилаётгани ва чоп этилаётгани адабий жамоатчилигимизда безовталик уйғотмасдан қолмайди.

Одатда, бундай асарлар "ҳозиржавоблик билан ёзилгани", "долзарб масала кўтарилгани", "ижтимоий салмоғи юқорилиги" боис қисман эътироф этилиши мумкин. Лекин аслида, қофияга солингани ёки муайян сюжетга қурилганига қарамасдан, бадиий заифлиги туфайли адабиётнинг чинакам мухлислари орасида, мақтанчоқликни ўзига асло эп кўрмайдиган, ҳар қандай арзон олқишлардан баланд турадиган, юксак маърифат ва маънавият соҳиби бўлган китобхон халқимиз орасида эътибор қозона олмайди. Аксарият ҳолларда айрим муаллифлар бундай асарларни сохта обрў топиш мақсадида ёки бошқа илинжлар билан ёзишлари ҳам сир эмас.

Адабиёт тарихида, бугунги ижодий жараёнда ҳам муҳим саналарга, улуғ мутафаккир боболаримизга, турли ижтимоий воқеаларга бағишлаб кўплаб асарлар битилган, битилаётир. Бироқ уларнинг жуда кам қисми яшаб қолди, аксарияти унутиб юборилди. Унутилганларининг сир-асрори эса оддий китобхонга ҳам кундай равшан: шоир, дейлик, бугунги кунимизни улуғламоқчи бўлса, гапини узоқдан бошлайди, алломалар, тарихий воқеалар, саналарни бирма-бир тилга олади, қофияга солади, яъни барчага маълум ҳақиқатларни яна қайта бошдан эслатади. Асосий мақсадга келганда эса, қуруқ риторикадан иборат мисраларни қалаштиради. Асарни ўқиб китобхоннинг юраги "жиз" этмайди. Чунки бу асарни ёзган муаллиф ўзи тасвирлаган манзаралардан таъсирланмаган, уларни қалбидан ўтказмаган, талқинда бадиий маҳоратини намоён этолмаган бўлади. Шу боис, "долзарб мавзудаги ҳозиржавоб" асар чинакам ҳаётий ҳодисанинг қуруқ, саёз баёнига айланиб қолади, холос.

Қутлуғ мавзулар масъулияти шоирни, ёзувчини ҳушёр торттириши, изланишга, узоқ ва теран мушоҳада юритишга, адабий тажрибаларга таянишга мажбур этмоғи лозим. Акс ҳолда шеър бўладими, достон бўладими, уларда қатор тизилиб келган номлардан янги бир маъно-мазмун топиш даргумон.

Мана, бир достондан мисол:

**Бир туяда ал-Бухорий**
**Ёниб борар шамга ўхшаб.**
**Таранглашиб кўнгил тори,**
**Замахшарий кетар қақшаб.**
**Мотуридий кўп қийналар,**
**Озорланур ал-Фарғоний.**
**Ҳижрон тиғи дил қиймалар,**
**Ҳар туяда – туркистоний.**

Энди бу ёғини тасаввур қилиш қийин эмас – улуғ инсонларнинг номлари узундан-узоқ қофияланган мисраларга тизилади ва бугунги дориломон кунларда улар қадр топгани таъкидланади.

Яна бир мисол: "Қалбимдаги боримсан, Ватан!" деб номланган шеър шундай бошланади:

**Кетиб борар бир қатор карвон,**
**Мардларга хос сарҳадсиз майдон,**
**Дилимга жо: ҳар лаҳза, ҳар он,**
**Сафлардаги норимсан, Ватан!**

Зукко ўқувчи бу шеърнинг кейинги ўнлаб тўртликлари: "Ғуруримсан, оримсан, Ватан!", "Чертилмаган торимсан Ватан!" каби ҳис этилмаган, қалбда, онгда теран мушоҳада қилинмаган сўзлар ва қофиялар тизмасида давом этишини пайқайди, албатта.

Бошқа бир шеърда эса айни мавзуда шоирнинг айтадиган тайинли гапи йўқлиги очиқ-ойдин кўриниб қолган:

**Сен Ватандан сўз очсанг гулгун,**
**Оҳангларда жаннат навоси.**
**Мен ҳам расо, бемуддат ўсгум,**
**Ватан, дея чертиб қалб созин.**

Қовушмаган сўзлар, жумлаларда тайин бир мантиқ ҳам кўзга ташланмайдиган бу каби сатрлар ўқувчи онги ва қалбида Ватанга муҳаббат уйғотмайди, аксинча, унга соя солади, тасаввурни хира торттиради, шеър деган улуғ мўъжизани қадрсизлантиради.

Шу ўринда беихтиёр устоз Миртемирнинг қуйидаги мисралари ёдга тушади:

**Тақдиримдан ҳеч ҳам ўпка қилмайман,**
**Қўлимдан келмайди деган пеша кам.**
**Баъзан кўзларимда томчи-томчи нам…**
**Ҳануз шеър ёзишни билмайман…**

Бу дил изҳоридаги буюк камтарлик қутлуғ мавзуларни ниқоб қилиб олган, англаб-англамай қофияга солаётган кўпгина қаламкашлар кўнглида: "Хўш, мен-чи, мен шеър ёзишни биламанми?" деган саволни уйғотса, кошки! Шунда, эҳтимол, юрт ва халқ деган ўта масъулиятли мавзуларни ёлғондан, саёзлик ва юзакиликдан, мадҳиябозликдан холи кўришга эришармиз.

Айни пайтда азим шаҳарларимиз, улуғ алломаларимиз ҳам "долзарб, ҳозиржавоб" мавзуларга айланаётгани сир эмас. Мана, "Тошкентга" деб номланган бир шеърдан иқтибос:

**Ассалом, ўзбекнинг бош шаҳри, салом,**
**Ўзи кекса, қалби ёш шаҳри, салом.**
**Иссиқ меҳрин олиб келдик Жиззахнинг**
**Меҳрингта қўшилсин Шош шаҳри салом…**

Қуйидаги парча эса "Бобур" номли шеърдан:

**Бир қўлда қиличу бир қўлда қалам,**
**Жанг қилдинг, юракда ғазал вулқони.**
**Қиличингга эгди бош ярим олам,**
**Қаламинг забт этди бутун дунёни.**

Шубҳасиз, бадиият ва мантиқдан холи бундай ғариб мисралар макон ва замон, тарихий шахслар ҳақидаги чала-чулпа маълумотлардан келиб чиқиб ёзилади. Улардаги ўта умумий тасаввурдан туғилган фикрлар эса барчага маълум маълумотларни шунчаки қайд этишдан бошқа нарса эмас.

Тарихий воқеалар, улкан бунёдкорлик ишлари, қутлуғ саналар, буюк ватандошлар, қадим шаҳарлар, фидойи замондошлар, миллий қадриятлар мавзу қилиб олинган ҳар қандай асарда муаллифнинг шахсий ижодий қараши, субъектив муносабати, энг муҳими, бадиий маҳорати бўлиши зарур. Акс ҳолда, юқорида келтирилган мисоллардаги каби, шеър, достон ёки қисса, роман унда қаламга олинган мавзуга шунчаки ҳиссиз иллюстрация бўлиб қолади, холос.

Шу ўринда атоқли адиб Ойбекнинг "Навоий" романини қандай ёздим?" номли мақоласидан бир иқтибос келтирсак: **"Навоийнинг барча асарлари, Навоий яшаган даврнинг тарихи, у даврнинг социал қиёфаси, у давр жамиятининг характери, урф-одати, хулқ-атвори билан танишишга тўғри келди. Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим. Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романнинг иш плани қоғозда йўқ эди. У менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлиғимни банд этган эди. Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор ақлли кўзлари, хушфеъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим"**.

Устоз адибнинг "Навоий" романидаги улкан ижодий ютуғи замирида унинг ижод психологияси, асарни ёзишга асос бўлган руҳий тайёргарлиги, унинг бадиий тафаккурида ўз Навоийси қад ростлагани – заҳматли ва хайрли тайёргарлик жараёни тургани айни ҳақиқат.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси Танқид ва адабиётшунослик бўлими бугунги адабий жараённинг турли мавзуларига бағишланган мақолаларни изчил ёритиб келаётир. Бадиий асарда, хусусан, шеър ва достонларда мавзу ва талқин масаласи ҳам шу сирадан. Газетамизнинг олдинги сонларида бир гуруҳ ёш мунаққид ва шоирларнинг Ватан мавзусининг ёшлар ижодидаги талқинларига бағишланган фикр-мулоҳазалари мухлисларда қизғин муносабат уйғотди. Таҳририят бундай мунозара уйғотадиган, баҳсга чорлайдиган чиқишларни давом эттиришни мўлжаллаган.

Адабиётшуносларни, мунаққид ва ижодкорларни мавзу ва талқин масаласида ўз фикр-мулоҳазалари билан мунозарада қатнашишга таклиф қиламиз.

**Танқид ва адабиётшунослик бўлими**

# МУРАББИЙЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Дил изҳори



Муҳтарам Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида ўз исмимни кўриб, бошим осмонга етди. Зеро, умрининг 50 йилдан зиёдини ёшлар тарбиясига бағишлаган инсон учун бундан ортиқ қувонч, фахр борми?!

Мен адабиёт фани ўқитувчиси сифатида бадиий адабиётнинг инсониятни, айниқса, ёш авлодни юксак маънавиятли, ахлоқли, дунёқараши кенг қилиб тарбиялаш воситаси эканлигига, унинг бош мураббийлигига қаттиқ ишонаман ва энг яхши намуналарини тарғиб қиламан.

Шогирдларимнинг мени излаб келишларидан, суҳбатимга муштоқлигидан англайманки, улар кўнглига йўл топа олибман, қалбига чироқ ёқибман. Айниқса, мустақиллик йилларидаги фаолиятим бу борада самарали бўлди, дея оламан. Шўролар даврида биз ўқитувчилар шогирдларимизни маълум қолип асосида фикрлайдиган, ҳаракат қиладиган, айтилган топшириқнигина бажаришга ўргатилган роботсимон шахс сифатида тарбиялашга мажбур эдик. Улар ўзининг иқтидорини очиқ намоён қилишдан, мустақил фикрлаш ва ҳаракатланишдан маҳрум эди.

Ҳозир эса бутунлай бошқача: ёшларга шу қадар кенг шароит ва эркинлик берилдики, улар ўзининг билимдонлиги, чаққонлиги, кучлилиги, ўзига хос фикрлаши билан мамлакатимизни бутун дунёга танитаётир.

Мендан ихлос билан кўмак сўраган ёшларни доимо бағримга оламан. Уларни қаттиққўллик ва интизом билан тарбиялайман. Тиним билмай ишлашга мажбур қиламан. Кўп ўқитаман, ёзганларини қайта-қайта ишлашга ўргатаман. Ана шундай шогирдларимнинг камолини кўрганда кўнглим тўлади. Бугунги кунда ўнлаб шогирдларим илмий-тадқиқот ишларини ниҳоясига етказиш арафасида.

Бу юксак унвон менга куч бағишлади, ғайратимни оширди, янада самаралироқ ишлашга ундади. Бундан кейин ҳам мустақил Ўзбекистоннинг билимдон, юксак маънавиятли, қатъиятли ёшларини тарбиялашдек зиммамдаги вазифани фахр билан бажариш йўлида куч-қувватимни аямайман.

**Йўлдош СОЛИЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи**

**Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимиз орасида таниқли рассом Муҳаммадиёр Тошмуродов ҳам бор. У "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" унвонига сазовор бўлди.**

# ОНА ЕР КУЙЧИСИ

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилиб ўсган рангтасвирчи Муҳаммадиёр Тошмуродовнинг Қашқадарёнинг юксак тоғлари кўксида жойлашган қадим Ғилон қишлоғини, унинг табиати ва одамларини мадҳ этувчи юзлаб асарлари бор. Рассом биргина шу қишлоқ тимсолида ўзбек диёрининг бетакрор оламини тасвирий санъатимиз тарихига ўзига хос услубда олиб киришга муваффақ бўлди. Бу туркум, албатта, бирданига яралгани йўқ.

Муҳаммадиёр 1989 йили шаҳрисабзлик рассом Абдунаби Мамадиев билан Ғилонга борганди. Йигирма олти йилдирки, ҳар йили бу қишлоққа боришни канда қилмайди. 2013 йили ана шу сафарларнинг натижаси ўлароқ, Тошкентдаги Бадиий академиянинг марказий кўргазма залида рассомнинг "Ғилон оҳанглари" номли шахсий кўргазмаси намойиш этилди. Тақдим этилган бу асарлар рассом ижодининг бир қисми эди. Аммо шунга қарамай, улар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.



Муҳаммадиёр мўйқаламига мансуб бу асарларнинг бош мавзусини, энг аввало, унинг аҳил одамлари, уларнинг бунёдкорлик ишлари, яшаш тарзлари, рангларга ва шаклларга бой Ғилон манзаралари ташкил этади. Қишлоқ одамларининг фалсафаси оддий ва сўфиёна, яъни Баҳоуддин Нақшбанд айтгани каби: дилинг Оллоҳда бўлсин, қўлинг меҳнатда.

— Ғилонликлар жуда аҳил, янги оилаларга дарров ҳашар билан уй қуриб беришади, бу ерда баланд овозда гаплашганларини эшитмайсан, — дейди рассом. — Бу қишлоқнинг барча фаслларини юзлаб асарларимда тасвирладим. Ғилон мен учун битмас-туганмас ижод манбаи.

Рассомнинг бу дастхати ўзига хос ва бетакрор, у йиллар давомида ҳосил қилинган малака ва кўникмалар, изланишлар натижасидир. Муҳаммадиёр ҳар қандай тасвирий санъат асари нафақат ҳис-туйғулар, тасаввурлар маҳсули, балки ақл-идрок, ҳаётий тажриба, атроф-муҳит, замон ва маконнинг бадиий талқини — инъикоси, деб билади. "Бу ҳақиқатни реализм мактабининг тарафдорлари у ёки бу маънода доимо таъкидлаб, ҳимоя қилиб келганлар, — деб ёзади у "Реалистик санъат анъаналари завол топмайди" деб номланган мақоласида. — Санъат тарихидан маълумки, бадиий ижод тараққиётида турли замонларда турлича услуб, йўналишлар бўй кўрсатган, шаклланган, у ёки бу даражада мавқега эга бўлган. Аммо уларнинг аксарияти реалистик нигоҳ, тафаккур, идрокка ва бор ҳаётий ҳақиқатга асосланган. Тўғри, маълум даврларда янгича санъат тарафдорлари ўзлари билиб-билмаган ҳолда бу тамойилни инкор этган пайтлари ҳам бўлган. Аммо улар ижодий тажрибасига, фаолиятининг бошланиш нуқталарига назар солар эканмиз, реализмга беписандлик билан қараганлар ҳам ўз пайтида реалистик мактабни ўтаганларини кўрамиз. Шундан хулоса чиқадики, ҳаққоний тасвирга асосланган, сохта рамзлар ва шаклбозликдан холи, ҳаётни реал бадиий инъикос эттирувчи санъат ҳеч қачон завол топмайди..."

Рассомнинг бундай нуқтаи назари унинг ўз ижодига бўлган муносабатини ҳам ифодалайди. Тўғри, унинг реалистик асарлари қотиб қолган бир андозада яратилмайди, уларда воқеликни шартли бир муҳит ва маконга кўчирилган ҳолда кўрамиз. Ғилоннинг турли манзаралари унинг асл моҳияти сақланган ҳолда хотираларга асосланган, бадиийликка йўғрилган тарзда намоён бўлади. "Ғилон", "Қишлоқ йўли", "Тонг", "Оқшом" каби қатор асарларида туш каби ғира-ширалар ва шарпалар, қиёфалар, нотабиий рангларда ҳам воқелик макони Ғилон экани билиниб туради. Шу билан бирга ҳар бир асарида оригинал ечим, рамз-тимсолларга, аллегорияларга асосланган унсурлар ҳам учрайди.

## Рассом ва замон

М.Тошмуродов Марказий кўргазмалар залида ҳар йил охирида очиладиган "Табиат ва рассом" кўргазмасининг доимий иштирокчиси десам, янглишмайман. Рассом полотнолари ҳар гал кутилмаган ранглар ва шакллар оламига бой бўлади. Тўғри, уларда экспрессив ҳолатлар, декоратив рангдорлик кам, аммо сокинлик ва осойишталик касб этадиган тасвирларида ҳаёт қувончларига интизор, меҳру муҳаббатга тўлган, гўзалликка ошуфта қалб тўлқинларини сезиш қийин эмас. Рассомда сариқ ранг ёзнинг охири ва кузнинг бошланиши рамзи сифатида кўринса, яшил ранг ҳаёт, уйғониш, яратувчилик, баҳор тимсолини намоён этади. Орзу ва умид, эзгулик ва ижодга чорловчи кўк осмон ранги ҳам, оқ ва мовийликка сингдирилган тоғлар манзараси ҳам юракка қувонч садолари бўлиб киради.



Ал-Форобий «Ҳар қандай рангда бошқа рангнинг мавжуд эмаслиги яширинган, аммо оқ рангнинг мавжудлиги қора рангнинг номавжудлигидан эмас», деб ёзган эди. Биз рассом ижодида осойишталик, мулойимликни таъмин этадиган кўк, мовий ранглargина эмас, балки, кулранг, жигарранглардан ҳам унумли фойдаланилганини, бу тасвирлар таскин ва умид манзилларига бошлашини ҳис қиламиз. Оч яшил, пушти, бинафша ранглар етакчилик қиладиган манзараларида ҳаёт, севги ва эзгулик мудроқ ҳиссиётни жунбушга келтирадиган тарзда ёқимли ҳолат пайдо қилади. Рассом инсоннинг ботини ва зоҳирида кечаётган ўзгаришларни нозик илғайди, уларнинг кайфияти, руҳияти, ўй-кечинмасини юз қиёфаларида ва ҳаракатларида кўрсатади.

М.Тошмуродов 2003 йили Ўзбекистон Бадиий академиясининг Кумуш медали билан, 2007 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" унвони билан тақдирланган. Ҳозир Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори сифатида юксак малакали мутахассислар тайёрлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Моҳир мўйқалам устасини юксак мукофот билан самимий қутлаймиз.

**Нодир НОРМАТОВ**

**Ҳакимжон ИНОҒОМОВ,**
**Ўзбекистон халқ устаси:**

# ИШОНЧ ИЛҲОМ БАҒИШЛАЙДИ

— Ўзбек ганчкорлик санъати кўҳна анъаналарга, ўзига хос ижодий оламга эга. Ушбу санъат тури ҳақида сўз борганда, аввало, устозлар ижодига эътибор қаратилишида размий маъно бор. Айнан устоз ва шогирд анъаналари асрлар давомида ганчкорлик тараққиётини белгилаб берган ва белгилаб келаётган етакчи омил ҳисобланади. Бухоро ганчкорлик мактаби намояндаси Уста Ширин Муродов, Тошкент ганчкорлик мактаби вакили Маҳмуд Усмонов, Хоразм ганчкорлик мактаби етакчиси Каримберган Полвонов каби машҳур усталар ижоди бунга ёрқин мисол бўлади. Бугун уларнинг кўплаб шогирдлари, издошлари истиқлол шарофати билан қайтадан кўз очган қадим санъат ривожига ўз ҳиссасини қўшиб, янги ижодий чўққиларни забт этишмоқда. Ўзбекистоннинг қай гўшасига борманг, нодиру ноёб меъморий обидалар, кўркам биноларнинг безалишида, албатта, ганчкорлик санъати қўлланаётганини кўрасиз. Беихтиёр қўлигул ҳунармандларимизнинг истеъдодига тасанно айтасиз.



## Дил изҳори

Инсон бахтини, келажагини ўз қўллари билан яратади. Кечагидай ёдимда, ўрта мактабнинг тўртинчи синф ўқувчиси эдим. Бир сафар меҳнат дарсимизга ёғоч ўймакори кириб келди. Уста ўзи билан бирга ижод намуналаридан олиб келган эди. У чиройли нақшлар туширилган ёғоч бўлакларини шундай меҳр билан кўрсатар эдики, бу менда қизиқиш уйғотди. Шундан сўнг уйда ёғоч, лой бўлакларига қўлимдан келган шаклларни тушира бошладим. Бу ҳаракатларимни ота-онам кўриб, мени тўгаракка олиб боришди. Мактабни битиргач, Ўзбекистон халқ устаси Мансур Муродовга шогирдликка тушдим. Уларнинг қўлида ўн беш йил давомида ганчкорлик сирларини ўргандим. Устозим бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбек миллий академик драма театри каби муҳташам меъморий иншоотлардаги ганч ўймакорлик ишларини бажаришда қатнашдим. Мустақил ижод қилишни бошлагач, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ҳазрати Имом мажмуаси, Гулистон шаҳар ҳокимлиги биноларини безашда иштирок этдим. Ҳар гал ана шу муҳташам бинолар ёнидан ўтганимда, ўзимни бахтиёр сезаман.

Халқ амалий санъатида анъаналарни сақлаб қолиш, кейинги авлодга қолдириш масаласи доим долзарб бўлиб келган. Ҳунармандман, устаман деган киши борки, у ўзидан аввалги усталарнинг услубини ўрганишдан бошлаб, ўзининг ҳам услубини яратишни истайди.

Ижоднинг ҳар қандай турида ўзига хослик, муаллифнинг дастхати муҳим ўрин тутади. Кимдир мавжуд анъана ва услубни янада бойитишга, мукаммаллаштиришга уринади. Кимдир ўзидан янгилик қўшиб, замонавий руҳ бағишлайди. Мен ҳам замон талабидан келиб чиқиб, ижодий ишларимга янгилик қўшишга ҳаракат қиламан. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги Зарқайнар либослар галереясининг гумбаз қисмини ишлашда илк бора ганчга шиша кукунини аралаштиришни қўллаб кўрдик. Шиша кукуни биринчидан ганчнинг енгил бўлишини, иккинчидан мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Шунингдек, бундай усулда тайёрланган ишлар рангини ўзгартирмайди ва синган, дарз кетган ҳолларда парчаланиб кетмайди. Ганчкорлик намуналари эндиликда маиший хизмат биноларида кенг қўлланмоқда. Уларни безашда ҳам талаб ва таклифларга қараб, қолаверса, ўзимнинг ижодий ғояларимдан келиб чиқиб, ганч ишларини янгича кўринишларда яратишга ҳаракат қиламан.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида ижодимга юксак эътибор берилиб, "Ўзбекистон халқ устаси" унвони билан тақдирланганимдан беҳад хурсандман. Ростини айтсам, бу янгиликни эшитиб қувончдан кўзимда ёш қалкди. Шу юртда туғилганимдан, эркин ижод қилаётганимдан ғурурландим. Ушбу эътироф устозим Мансур Муродовга ҳам катта қувонч бағишлади. Кўплаб шогирдлари орасидан бу унвонга биринчи бўлиб лойиқ топилганимни алоҳида таъкидлади. Ишонч илҳом бағишлайди, деганлари рост экан. Зиммамдаги ижодкорлик масъулияти янада ортганини ҳис қилмоқдаман. Эндиликда халқим, устозларим, шогирдларим олдида менга билдирилган ишончни оқлашим, ўз устимда янада кўп изланишим лозим.

**Муниса АЛИЕВА ёзиб олди**

# ОЗОДЛИК — УЛУҒ ҚАДРИЯТ

Ҳар бир халқнинг, мамлакатнинг тараққий этишида миллий-маънавий қадриятларнинг ўзига хос ўрни бор. Ватан ва миллат озодлиги эса энг олий қадрият ҳисобланади. Уларнинг умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашиб кетиши ҳар бир миллат ва халқ учун ҳаётий заруратдир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, халқимиз яхшилик, одамийлик, сахийлик, сабр-тоқат, шукроналик, андишалилик, камтаринлик каби хислатларни улуғлаб келган. Бу миллий қадриятларимиз ҳар бир қалбда она юртимиз Ўзбекистонга юксак эҳтиром, садоқат ва фидойилик туйғуларини уйғотади.

Ёшлар тарбиясида ана шу миллий-маънавий қадриятларимизнинг ўрни беқиёсдир. Ҳозир дунё ахборот майдонида ёшларни миллий қадриятлардан бегоналаштиришга уринувчи муайян кучлар пайдо бўлди. Улар шу йўл билан ёшлар онги ва тафаккурида шаклланаётган дунёқарашни, интеллектуал қобилиятни ўзларининг ғаразли мақсадлари сари бурмоқчи, фарзандларимиз руҳиятидаги миллий қадриятларни сиқиб чиқармоқчи бўлишади. Ўғил-қизларимизни "оммавий маданият" хуружидан асрашни, аввало, оиладан бошлашимиз лозим. Уларнинг уйда эшитаётган мусиқасидан тортиб, ўқиётган китобигача назорат қилишимиз, мусиқа, китоб танлашига эътиборсиз бўлмаслигимиз зарур.

## Ифтихор

Юртбошимиз баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. Ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги асосий воситалардан бири бўлган маданият муассасалари асосларини қайтадан яратиш, уларни мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани, катта шарт-шароитлар яратиб берилаётгани фикримиз далилидир. Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Миллий академик театр, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, 300 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 900 га яқин маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, 100 дан ортиқ маданият ва истироҳат боғлари ва бошқа кўплаб санъат масканлари барпо этилиб, миллий-маънавий қадриятларимизнинг янада равнақ топиши учун улкан имкониятлар яратилганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Ҳар бир вилоятда, туманларда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ташкил қилиниши айни муддао бўлди. Ушбу масканларда фолклор, халқ оғзаки ижоди билан шуғулланувчи тўгараклар очилаётгани фарзандларимизнинг юксак маънавиятли инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Бинобарин, маънавий бойликларимиздан миллатнинг бебаҳо мулки, бой хазинаси, қолаверса, жамият тараққиётининг манбаи сифатида фойдаланишга кенг йўл очиб берилди. Бу келажак авлодларнинг бахтли ҳаёти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Жамият тараққиёти ҳамиша фикри илғор навқирон авлоднинг куч-ғайрати орқали рўёбга чиқади.

Ота-боболаримиз қадимий Шарқни, она диёримизни дунёга танитган жаҳоншумул зотлар бўлишган. Эндиликда Ватанимиз истиқболи ҳақида қайғуриш бизнинг зиммамизга тушди. Тўғри, биз улуғ ва бебаҳо меросга эгамиз. Айтиш керакки, бу аввало, аждодларимиздан қолган қадриятлар. Биз эса мана шу бебаҳо меросни авайлашимиз ҳамда ривожлантиришимиз керак. Озодликнинг баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанадаги маърузаларида таъкидлаганидек: "Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак." Улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга айлансин. Миллий ғурури, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

**А.ҲАЙДАРОВ,**
**Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори**

# ҲАЁТ ҲИКМАТИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Одилхўжа Камолхўжаев миллий мусиқамиз, доира чолғуси ижрочилиги ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз санъаткорлардан эди. Устоз, аввало, барчага бирдек меҳрибон ва танти инсон сифатида хотирамизда муҳрланиб қолди. Меҳнатсеварлик, ижодкорлик, мардлик, ўзгаларнинг дарду қувончларини ўзиникидек қабул қилиш Одилхўжа акага хос энг яхши фазилат эди.



Устоз ўзбек мусиқа санъати асослари ва доира ижрочилиги сирларини чуқур билувчи санъаткор сифатида эътибор топди. Айниқса, ўзбек доира ижрочилик мактабининг моҳир усталари Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомов, Ғофир Азимов, Қаҳрамон Дадаевларнинг ижодий мероси ва ижро маҳоратларини изчил тарғиб этарди. Бундан ташқари, у доира усулларини тўплаш ва ўрганишга қизиқиб, бошқаларни ҳам бу ишга даъват қилишни бурчи, деб билди. Бутун фаолияти давомида ўзбек мусиқа санъати ва доира ижрочилиги асосларидан ёшларга сабоқ бериб, кўплаб истеъдодли шогирдларни вояга етказди. Улар орасида давлат мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлган санъаткорлар бор. Дарс машғулотларига жиддий тайёрланар, ниманики билса, шогирдларига етказишга интиларди. Унинг дарс бериш услуби аввал мавзу бўйича назарий билим бериш, сўнгра амалий ижрочилик кўникмасини шакллантиришга асосланганди. Шогирдлари устознинг машғулотларини ҳамиша қониқиш билан эслашади.

## Яхшидан боғ

Моҳир санъаткор мураббий сифатида илм-фан билан чуқур шуғулланиб, аввал доцент, кейинчалик профессор унвонини олди. Юзга яқин илмий-услубий мақолалар ёзди. Жонкуяр санъаткорлардан бири А.Левиев билан ҳамкорликда "Доира дарслиги"ни нашр эттирди. Мазкур дарсликда доира ижрочилиги асослари назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берилгани учун ҳам мутахассислар ва ижод аҳли эътирофига сазовор бўлган.

Устоз созанда ижод аҳлининг дилкаш дўсти эди. Кекса эканига қарамай ҳамиша дўстлари ва эл хизматида бўлди. Буларнинг бари Одилхўжа Камолхўжаев устоз санъаткор Уста Олим Комилов анъаналарини муносиб давом эттирганлиги самарасидир. Бугун жонкуяр устознинг ҳаёти, фаолияти ва ижодини илмий жиҳатдан ўрганиш, унинг маҳорат сирлари билан мухлисларни таништириб бориш шогирдлари олдида турган вазифаларидандир. Шубҳасиз, ёш созандалар учун устоз санъаткор ҳаёти ва ижодий фаолияти ибрат намунаси бўлиб қолади.

**Алишер ЙЎЛДОШЕВ,**
**консерватория доценти**

# МУЗЕЙЛАР БАЙРАМИ

Истиқлолимиз шодиёналари билан ҳамоҳангликда мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Музейлар ҳафталиги" ўз якунига етди. Кўплаб санъат ихлосмандлари, хорижлик меҳмонлар, соҳа мутахассислари учун ўзига хос байрамга айланган ушбу тадбир доирасида юртимиздаги барча музейлар иш вақти узайтирилиб, томошабинларга бепул хизмат кўрсатилди.

— "Музейлар ҳафталиги"нинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маънавий-маърифий муассасалар, музейлар, ахборот-ресурс марказлари бошқармаси бошлиғи А.Мирзараҳимов. — Томошабинлар салмоғи ортиб, ҳафталик доирасида ташкил этилган давра суҳбатлари, учрашувлар қизғин тус олмоқда. Улар орасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари талабаларининг сони ҳам ошиб бораётгани қувонарли ҳол. Ватанимиз тарихи, маданий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар ёшларда қизиқиш уйғотиши билан бирга ўзликни англашга, ўтмиш ва келажак ҳақида кенгроқ тафаккур қилишга ундайди, деб ўйлайман.

Тадбир давомида ёзувчи ва шоирлар, рассомлар, соҳа мутахассислари ҳамда олимлар билан учрашувлар, семинар машғулотлари ўтказилди. Музей коллекцияларини сақлаш, бойитиш каби мавзуларда маърузалар тингланиб, буюк аждодларимизнинг илмий, ижодий изланишларини ифодаловчи ноёб экспонатларни тадқиқ этиш ва улар асосида янги кўргазмалар ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Музейлар ҳафталиги якунида Олимпия шон-шуҳрати музейида "Мустақиллик даври музейлари: кеча ва бугун" мавзуидаги матбуот анжумани ўтказилди.

**Э.ФАҚИРОВ**

## Маданий ҳаёт

"Туркистон" саройида "Нима қилдик ватан учун?", "Биз гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз" шиорлари остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этишди. Мухлислар эътиборига Ёшлар театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган рақс томошаси, жажжи спорт усталари маҳорат билан ижро этган ўзбек жанг санъати намуналари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, таниқли эстрада хонандаларининг қўшиқлари ҳавола қилинди.

# ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

— Фестивал, аввало, бизни тенгдошларимиз билан яқинлашиб, бирдамликда қадам ташлашга ундайди, — дейди Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Миролим Мирфозилов. — Бу ерда маданий ҳордиқ олиш билан бирга, саҳнада янграган куй-қўшиқлар, она диёримизни мадҳ этувчи шеърий баёзлар орқали ўзимиз туғилган заминни севиш, қадрлаш ва уни асраш лозимлигини чуқурроқ англадик.

Ёшларининг орзу-умидлари, шижоат ва ғайрати, айниқса, "Биз Ўзбекистон келажагимиз" номли бадиий композиция иштирокчиларининг дил изҳорларида ёрқин акс этди.

**В.ИБРОҲИМОВА**

# ХИТОЙ КИНОСИ КУНЛАРИ

**Шу йилнинг 9-10 сентябр кунлари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли кино саройи мухлислар билан гавжум бўлди. Бу ерда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ташаббуси билан Хитой киноси кунлари бўлиб ўтди.**



Тадбир

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманнинг тантанали очилиш маросимида Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси мувaққат ишлар вакили Цзо Яньхуэй, Хитой давлат матбуот, наширлик, радиоэшиттиришлар, телевидение ва кинематография бош бошқармаси вакиллари Луань Чжиго, Лу Сюлинь, Янь Пен, Чжан Юесяо, «Ўзбеккино» раҳбарияти ва бошқалар иштирок этди.

Шундан сўнг томошабинлар эътиборига режиссёрлар Шерзод Ёқуб ва Чжан Синнинг «Самимий севги» филми тақдим этилди. «Тяньшань» кинофабрикаси томонидан суратга олинган мазкур филмда турли миллатга мансуб 19 та болани ўз тарбиясига олган уйғур оиласи ҳақида ҳикоя қилинади. Мавзуси ва ёритилиши жиҳатидан бизнинг «Сен етим эмассан» филмимизни эслатувчи бу картинани томошабинлар кўзда ёш билан кўрдилар. Асардаги гўзал ва ёрқин манзаралар, эр-хотин ва болалар ўртасидаги самимий муносабатлар мухлислар қалбига илиқлик олиб кирди. Филм тугагандан сўнг томошабинлар билан бўлган мулоқотда она ролини ижро этган актриса Қундуз Зайтая юртимиздан олган илк таассуротлари ва картина ҳақида ҳаяжон билан сўзлади. «Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — деди у. — Юртингиз мен тасаввур қилганимдан ҳам гўзал ва мафтункор экан. Ўзбеклардаги самимият, чеҳраларидаги чирой ва табассум кўзларимни яшнатди. Филмимизни диққат билан кўрганингиз учун миннатдорлик билдираман».

Ўзбек томошабинлари хитойлик кино ижодкорларнинг бошқа асарларини ҳам қизиқиб томоша қилдилар. Улар орасида режиссёр Чэн Ганнинг болалар тарбияси ва оила барқарорлиги ҳақидаги «Чет эллик энага», ушу спорт турида авлодлар алмашинувига бағишланган Ван Цзявэйнинг «Буюк уста», само мавжудотлари қўзғолонидан ҳикоя қилувчи Чжен Баожуйнинг «Маймунлар қироли», Арса исмли бола тўғрисидаги Ван Цзингуаннинг «Или дарёси», Ши Вейнинг «Паром» каби филмлари бор.

Кино кунлари доирасида ўтказилган тадбирлар орасида Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтида бўлиб ўтган учрашув меҳмонлар ва мезбонлар учун алоҳида аҳамият касб этди. Институт ректори Б.Сайфуллаев хитойлик кино ижодкорларга ўқув даргоҳи ҳақида батафсил маълумот берди. «Бу ерда талабалар ва педагоглар учун яратилган ҳайратланарли шароитларда ўқиш ҳар бир одамнинг орзуси, — деди ҳаяжон билан таниқли кинорежиссёр Шерзод Ёқуб. — Ўқиш учун бундай шароитларнинг яратилиши Ўзбекистон ҳукумати ва мамлакат раҳбарининг халқ маънавиятини бойитиш йўлида узоқни кўзлаб амалга оширган саъй-ҳаракатлари самарасидир. Меҳмондўст Ўзбекистондаги учрашувлар, ҳамкасбларимиз билан ижодий мулоқотлар ўзаро муносабатларимизда янги саҳифалар очишига ишонамиз. Ҳамкасбларимизни Хитойда кутиб қоламиз».

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Хитой кино усталари биргаликда филмлар ишлаб чиқариш, Хитойда ўзбек киноси кунларини ташкил этиш каби бир қатор масалалар борасида фикр алмашдилар.

**Флора ФАХРУТДИНОВА**

# ЎХШАЙДИМИ, ЎХШАМАЙДИМИ?..

Мулоҳаза

Элимиз суйган дилбар тароналар асло унутилмайди, улар ўлмас мерос сифатида миллий маданиятимиз хазинасидан жой олган. Бундай қўшиқларни эшитганда, беихтиёр қўшилиб куйлагингиз келади, қадрдон туйғуларга, ширин хотираларга ошно бўласиз, соғинчнинг кенг сарҳадларида кезасиз.

"Ёшлар" телеканалининг "Ўхшайди-ку" кўрсатуви ижодкорлари қўшиқ шинавандаларига ана шундай ажиб ҳиссиётларни тортиқ қилмоқдалар. Лойиҳада, аввало, дилга яқин тароналар ёш хонандалар ижросида янграйди, соғинган куйларимиздан баҳраманд бўламиз, марҳум санъаткорларни ёдга оламиз. Ўз даврида машҳур бўлган, тиллардан дилларга ўтиб яшаб келаётган қўшиқларнинг ёш истеъдодлар томонидан куйланиши қувонарли бўлиши билан бирга, устозларга ҳурмат ва эҳтиром белгиси ҳамдир. Шунингдек, кўрсатув давомида, устоз санъаткорлар ҳаёти ва ижод йўли ҳақида маълумотлар берилиб, маҳоратли хонандалар фикри билан танишамиз.

Бироқ айрим эстрада хонандалари ижросида куйланган, ўзгача "сайқал" берилган қўшиқлар бироз жозибасини йўқотаётгандек. Неча йилларда бери халқимиз ардоғида яшаб келган қўшиқнинг масъулиятини, оддийроқ айтганда, "юкини" ҳис қилмай саҳнага чиққан айрим хонандалар хўжакўрсинга куйлашаётгандек туюлади. Авжига чиқмай, аниқроғи, чиқолмай айтилаётган қўшиқнинг на дардини, на залворини ҳис қиласиз. Бундай "ижод намуналари"ни тинглаб, баҳоловчи томошабинлар, ҳой-наҳой, асл ижрочига ҳурмати туфайли саҳнадаги "шогирд"га юқори баҳо қўйишади. Масалан, Ҳусниддин Холиқов қўшиқлари ижро этилган кўрсатувда аксарият қўшиқлар меъёрига етмади. Охунжон Мадалиевнинг қайта янграган қўшиқлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Бундай янгича талқиндан кўра, қўшиқ "сайқалланмаган" асл оҳангида қолганида яхши бўларди, деб ўйлайсиз.

Шу ўринда кўрсатувнинг саҳна декорацияси, бошловчилар имижини яратиш устида анча меҳнат қилинганини айтиб ўтиш жоиз. Лойиҳа ижодкорлари, шубҳасиз, хайрли ишга қўл уришган. Экранларимизда яна бир қизиқарли дастур пайдо бўлди. Ниятимиз, "Ўхшайди-ку"даги қўшиқлар фақат ўзига ўхшасин.

**Вазира ИБРОҲИМОВА**

Китобингизни ўқидим

# УЙҒОНИШ ДАВРИ НАМОЯНДАСИ

Таниқли ҳуқуқшунос олим Акмал Саидовнинг "Ҳазрати Занги ота" номли китоби "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилди.

Китобни мутолаа қилиш жараёнида юртимизда яшаб, ислом оламида муносиб ўринга эга бўлган азиз-авлиёларнинг мақбаралари кўз ўнгимда гавдалана бошлади.

Дарҳақиқат, Занги ота Туркистоннинг азиз авлиёларидан бўлган Хожи Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбобонинг эварасидир. Занги ота ва унинг яқин қариндошлари ҳақида кўп ривоятлар, афсоналар, ҳикоятларни ўқиган, эшитган бўлсам-да, бу зот ҳақида кенг маълумотга эга эмасдим.




А.Саидовнинг "Ҳазрати Занги ота" номли ушбу китоби илмий-оммабоп усулда ёзилгани, маълумотларнинг аниқлиги, қиёсий таҳлили жиҳатидан диққат-эътиборни тортади. Китоб муқаддима, тўрт боб, хотима ва иловалар, сўнг сўз ҳамда инглиз, француз, рус, турк ва форс тилларидаги резюмелардан таркиб топган.

Дастлабки бобда муаллиф ҳазрат Занги отанинг туғилиб ўсган юрти, оиласи ва авлодлари, илмий изланишлари, устозлари, издошлари ва бошқа азиз авлиёлар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради. Занги ота мақбараси ва даҳаси, меъморий ансамбли қурилиши, мажмуа билан боғлиқ тарихий воқеалар, айниқса, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, уларнинг натижалари китобда батафсил ёритилган.

Ислом ва тасаввуф фалсафаси алоҳида фан, йўналиш. Уларни билмасдан азиз авлиёларнинг бой маданий меросини тушуниш қийин. Китобнинг иккинчи боби айни шу мавзуларга бағишланган.

Ҳазрат маънавияти ҳақидаги учинчи бобда муаллиф тасаввуф ҳақида қимматли маълумотларни назарий жиҳатдан таҳлил қилган, унинг шахсияти ва фаолиятини ўрганишга интилган. Улуғ зотга бағишланган шеър ва қасидаларда, ҳаётининг ўрганилишига оид қўлёзма ва тарихий асарларда, қомусларда, журнал саҳифаларида қайд этилган маълумотлар китобнинг тўртинчи бобида таҳлил қилинган. Шунингдек, илк Шарқ уйғониш даврининг машҳур намояндаси сифатида Занги ота тарихини қандай ўрганиш зарурлиги ҳақида муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган.

Таниқли олим Акмал Саидовнинг бу китоби юртимизда яшаб ўтган, ислом оламида алоҳида ўринга эга авлиё Занги ота ва унинг шажараси, амалга оширган эзгу амаллари, кароматлари ҳақида кенг маълумот берувчи асар сифатида қимматлидир. Ушбу китоб барча ўқувчилар учун муносиб совға бўлади, деб ўйлаймиз.

**Аҳмаджон ЧОРИЕВ,**
**Қарши давлат университети профессори,**
**тарих фанлари доктори,**

# РАССОМ ХОТИРАСИ

Кўргазма залларида



Халқаро маданият карвонсаройида "Кексаларни эъзозлаш йили"га бағишлаб Ўзбекистон халқ рассоми, кандакор уста Салимжон Ҳамидовнинг ижоди бўйича "Мен элимнинг юрагида яшайман" номли хотира кўргазмаси ташкил этилди. Унда уста ижодини акс эттирувчи фотосуратлар билан бирга, шогирдларининг етмишдан ортиқ ижод намуналари ҳам намойиш этилмоқда. Мис, латун, бронзадан ишланган катта-кичик лаганлар ва баркашлардаги қушлар, балиқлар ва анвойи гуллар тасвири, кандакорликнинг нафис ва бетакрор безакларини мужассам этган санъат асарларида қадимий миллий анънана ва қадриятларимиз ўз ифодасини топган. Усталарнинг беқиёс меҳри билан йўғрилган оддий пўлат қалам мўъжизаси нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам доврук қозонган.



Эрта вафот этган устанинг шогирдлари ташаббуси билан Бухородаги "Гавкушон" мадрасасида жойлашган кандакорлик устахонасига "Уста Салимжон" номи берилди. "Сиёҳгарон" масжидида уста Салимжон Ҳамидов номида музей-устахона очилди. Ҳозирги кунда бу музейда юздан ортиқ шогирдлар фаолият кўрсатмоқда.

* * *

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган байрам экспозицияси очилди. Унда Ўзбекистон Миллий банки тўпламидан жой олган турли авлодга мансуб рассомларнинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда. Жумладан, галереянинг марказий залидан Л.Иброҳимов, Ғ.Қодиров, М.Қорабоев, Р.Акрамов, Ф.Аҳмадалиев, Ш.Абдуллаеванинг шарқона услубдаги фалсафага бой асарлари ўрин олган. А.Мирзаев, Т.Пирматов, Е.Мелников, М.Тожимирзаев, Я.Салпинкиди ва бошқа рассомларнинг асарларида тарихий ва замонавий тасвирий санъат анъаналари уйғунлигини кузатиш мумкин.

**С.ҚОСИМОВА,**
**А.ПОПОВ олган сурат**

Сўзмунчоқ

## РАДАРИНГГА РАҲМАТ!

**Посбон дўстим, йўлларда**
**асло хатар бўлмасин,**
**Бехатар бўлсин, аммо**
**ҳеч берадар бўлмасин,**
**Токи ҳар ким соғ-омон**
**ўз манзилига етсин,**
**Аввал падарингга, сўнг**
**радарингга раҳмат десин!**

**Сирож САНДУВОЧ**

Гул кўп, чаман кўп

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ТУМАС ТРАНСТРЁМЕР ДОВРУҒИ



XX асрда Швецияда довруқ таратган улкан шоир, Нобел мукофоти лауреати Тумас Транстрёмер 84 ёшида оламдан ўтди. 1956 йили Стокголм университети психология факультетини битирган шоир муайян муддат кичик ёшдаги жиноятчилар учун очилган тарбия марказида фаолият олиб боради. "Ўн етти шеър" номли илк тўплами билан шеърият мухлислари эътиборини қозонади. Унинг ўн бешдан ортиқ шеърий китоблари нашр қилинган ва олтмишдан ортиқ жаҳон тилларига таржима қилинган.

2004 йили чоп қилинган "Буюк жумбоқ" шеърий тўплами Т.Транстрёмернинг ҳаётлигида нашрдан чиққан сўнгги китобидир. Бетакрор поэтик образлари билан китобхонда воқеликка янгича қараш ва ўзига хос муносабат уйғотишга муваффақ бўлган шоир Нобел мукофотидан ташқари Швед академияси ҳамда Шимолий Кенгаш адабий мукофотлари билан ҳам тақдирланган.

### СЎНГГИ КИТОБ




Таниқли италян адиби Себастяно Вассалли Генуяда туғилиб, бутун ҳаётини Новари шаҳрида ўтказган. Адиб фантастик ва тарихий романлари билан эътибор қозонган. "Чегаралар. Италия жанубий Тиролида юз йил" асари унинг сўнгги китоби бўлиб қолди. "Хомхаёл" ҳамда "Дунё олтини" романлари билан шуҳрат қозонган ёзувчи Италиянинг адабиёт соҳасидаги энг нуфузли "Стрега" мукофоти билан тақдирланган. Моҳир проза устасининг номзоди 2015 йилги Нобел мукофоти ҳамда Италиянинг "Кампьелло" мукофотларига тақдим этилган эди. С.Вассалли яқиндагина 73 ёшида оламдан ўтди.

### ШЕКСПИР ВА КАРАМЗИН




Бугунги китобхон буюк инглиз драматурги Шекспир асарлари орқали милодий эрадан аввалги 44-йилдан то 1599 йилга қадар бўлган Рим тарихи воқеаларини яхши билади. Тарихчи ва ёзувчи Николай Карамзинга "Юлий Цезар" трагедиясини таржима қилишда Шекспирнинг адабий мукаммаллик даражасига етгани, бошқа замондошларида учратиш қийин бўлган ростгўйлиги ҳамда тарихий воқеаларни бузмасдан акс эттиришга моҳирлиги илҳом бағишлаган бўлса ажаб эмас. Негаки, Шекспир мазкур асарида юксак ахлоқий идеалларга қарши турган сиёсий сафсата, манфаатпарастлик, бадахлоқлик ҳукм сурган қадимги Рим муҳитини тўлақонли тасвир этишга муваффақ бўлган. Ҳар қандай буюк ижод маҳсули олмос қирралари каби турфа рангларда товланади. Карамзиннинг яқинда қайта нашр этилган мазкур таржимаси орқали ҳам Шекспир истеъдодининг бетакрор янги қирраларини идрок этиш мумкин.

### РОМАН БИТГАН КУН...



Австралиялик таниқли адиб Ричард Флэнаган "Олис шимолнинг қалтис йўли" романи учун ўтган йили адабиёт соҳасидаги нуфузли Букер мукофотига сазовор бўлган эди. Мазкур асар адибнинг олтинчи китоби бўлиб, у "энг қалтис йўл" деб аталган Тай-Бирма йўли қурилиши даврида кечган воқеаларга бағишланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ниҳоятда машаққатли кечган мазкур иншоот қурилишида унда иштирок этган ҳарбий маҳбуслардан тўқсон мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлган. Йўл қурувчилар орасида Флэнаганнинг отаси ҳам бўлиб, у бошидан ўтказган оғир синовлар ҳақида ўғлига батафсил сўзлаб берган. Адиб шу мавзудаги романини ёзиб битирган куни эса, отаси оламдан ўтади.

"Олис шимолнинг қалтис йўли" романи кўплаб Шарқий Европа тилларига ҳам таржима қилиниб, чоп этилмоқда.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Oʻzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.00

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4225 Буюртма S — 3890. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X